ЎзССР Давлат китоб палатаси
Инв.

Тошкент оқшоми

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 98 (8.296) ◆ 1993 йил ◆ 3 июнь, пайшанба ◆ Нархи 10 сўм.

Бугунги кун нафаси

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

● Бухоро ва Сурхондарё пиллачилари йиллик режани адо этдилар. Бухороликлар давлат қабул пунктларига 3283 тонна, сурхондарёликлар эса 1180 тонна қимматбаҳо хом ашё етказиб бердилар.

● Бугун Тошкентда Ҳамдўстлик давлатлари темир йўл транспорти бўйича кенгашининг навбатдаги — саккизинчи мажлиси очилди.

● Республика хотин-қизлар комитетида Америка Қўшма Штатлари хотин-қизлар ҳаракати вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.

● Кеча Италия Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Карио Унгаро миллий байрам — Италия эълон қилинган кун муносабати билан қабул маросими ўтказди.

● Қува туманида туркияликлар ҳамкорлигида пахтани қайта ишлашдан бошлаб ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш имконини берадиган мажмуа барпо этилмоқда.

● Самарқандда таржимонларнинг илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

ҲАМДУСТЛИКДА

● Россия Федерацияси Президенти Борис Ельциннинг фармонига кўра Конституциявий кенгаш 5-16 июнь кунлари Кремлда бўлиб ўтади.

● Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев бошчилигида Ҳамдўстлик давлатлари иқтисодий кенгаши ўз фаолиятини бошлади.

● Қора денгиз флоти билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш мақсадида шу йил 12 ёки 15 июнда олий даражада Россия-Украина учрашувини ўтказиш мўлжалланмоқда.

● Чечен республикаси президенти Жохар Дудаевнинг фармони билан Россия Олий Кенгаши раиси вазифасида ишлаётган Руслан Хасбулатов, бу Олий Кенгаш қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот комитетининг раиси Асломбек Аслохонов ва қатор бошқа халқ депутатлари Конституциявий ҳокимиятни ағдаришда айбланиб, Чечен Республикаси фуқаролигидан маҳрум этилдилар.

● Шу йил 15 майгача бўлган маълумотларга кўра собиқ совет республикалари етказиб берилган нефть, газ, кўмир, электр қуввати учун Россияга 432 миллиард сўмлик қарз бўлиб қолганлар.

● Арманистондаги Спитак шаҳри яқинида юк поезднинг йўловчи электр поезди билан тўқнашиб кетиши оқибатида дастлабки маълумотларга қараганда 29 киши ҳалок бўлди.

ХОРИЖДА

● Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби Бутрос Ғолий Марокашдан Жазоирга келди. Бу ерда у мамлакат раҳбарлари билан халқаро ҳамжамият қабул қилган қарорлар ижросини таъминлаш юзасидан музокаралар ўтказади.

● Гватемала ҳарбий қўмондонлиги мамлакат президенти Хорхе Серранно давлат раҳбари лавозимидан четлаштирилганлигини эълон қилди.

● Россия МИГ—29 қирувчи самолётлари Германия ҳарбий-ҳаво кучлари томонидан расмий равишда фойдаланила бошланди.

● Кеча Белградда 4 минг нафарга яқин киши Югославия Иттифоқ республикасининг Президенти Дониц Чосич ҳокимиятдан четлаштирилганлиги муносабати билан парламент биносини штурм билан эгаллашга уриниб кўрди. Уларнинг ҳуқуқ-тартибот кучлари билан тўқнашувида бир полициячи ҳалок бўлди, ўттиз киши жароҳатланди.

● Жамоат фикрини ўрганиш юзасидан ўтказилган сўнгги сўров маълумотларига биноан америкаликларнинг ўз президентларига ишончи камайиб бормоқда. Бу сўровда иштирок этганларнинг атиги 36 фоизи Билл Клинтон давлат раҳбари олдида турган муаммоларни ҳал эта олишига ишонч билдирдилар, холос.

● Россиянинг «Мир» орбитал станциясида парвоз қилишга тайёргарлик кўраётган бельгиялик хоним Мариан Мершез машқларни давом эттиришдан воз кечди. Бу қарорни у бўлажак парвоз дастуридан қониқмаганлиги билан изоҳлади. Мариан Мершез «Мир»да швеция ва испаниялик дугоналари билан парвоз қилиши керак эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИ («ЎЗФАРМСАНОАТ») ДАВЛАТ-АКЦИОНЕРЛИК КОНЦЕРНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Дори-дармонлар ва биологик моддалар ишлаб чиқарувчи бирлашмалар, корхоналар, ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш, фармацевтика саноатини янада ривожлантириш ва республика аҳолисининг доривор моддаларга бўлган эҳтиёжини яхшироқ қондириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзкимёфарм» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Вакцина» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон Кимё технологияси ва катализи илмий-тадқиқот институти, Кимё ва пахта целлюлозаси технологияси илмий-тадқиқот институтининг, Ўзбекистон Фармацевтика саноати («Ўзфармсаноат» давлат-акционерлик концернини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Фармацевтика саноати («Ўзфармсаноат») давлат-акционерлик концерни:

ўз фаолиятида Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб бериб туради;

бирлашмаларни, корхоналарни ва мулкчиликнинг барча шаклларидаги ташкилотларни акциялар билан таъминлаш принциплари асосида уларни ихтиёрий бирлаштиради ҳамда ташкилотларнинг хўжалик мустақиллигини ва юридик шахс ҳуқуқларини сақлаб қолади;

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари ва Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган низом асосида ишлаб чиқариш — хўжалик фаолиятини амалга оширади;

Фармацевтика саноатини ривожлантириш учун марказлаштирилган тарзда концернга ажратиладиган капитал маблағлар ва моддий-техника заҳиралари лимитлари жамғармаларини сақлайди ва тақсимлайди;

Концерн таркибига кирувчи бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларни акционерлик, жамоа, қўшма корхоналарга ва мулкчиликнинг бошқа турларига айлантириш, жумладан, бу ишни хорижий юридик шахслар, фирмалар ва давлатлар иштирокида амалга ошириш тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритади.

3. Қуйидагилар «Ўзфармсаноат» концернининг асосий вазифаларидир:

дори-дармонлар яратиш ва уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш, аҳолининг, даволаш-профилактика муассасаларининг дори-дармонларга, биологик моддаларга, бошқа тиббий ва санитария-гигиена маҳсулотига бўлган эҳтиёжини қондиришга оид тадбирларни амалга ошириш;

фармацевтика саноатини комплекс ривожлантириш, ушбу тармоқ корхоналарини ҳудудий жиҳатдан жойлаштиришни такомиллаштириш, табиатни муҳофаза қилиш сиёсатини ўтказиш масалалари юзасидан давлат ҳокимияти ва бошқарувнинг республика ҳамда маҳаллий органлари билан ҳамкорлик қилиш;

доривор воситалар ва уларни ишлаб чиқариш технологияларини яратиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ягона илмий-техника сиёсатини ўтказиш;

республикамизда доривор моддалар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, хорижий шериклар билан илмий-техникавий ва иқтисодий ҳамкорликни такомиллаштириш ва кенгайтириш ҳисобига уларни четдан харид қилишни қисқартириш дастурини ишлаб чиқиш ва изчил амалга ошириш.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 20 кун муддат ичида «Ўзфармсаноат» концернини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалаларига доир қарор қабул қилсин, концерн тузилмаси ва уставини тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 2 июнь.

ТАДБИРКОР КОРХОНАЛАР

ТИББИЁТ асбоб-ускуналарига бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Шифохоналарда турли муолажаларни йўлга қўйишда ишлатиладиган бу хил тиббий жиҳозларни кўплаб ишлаб чиқариш, янгиларини саноат асосида ўзлаштириш борасида қатор тадбирлар кўрилмоқда.

«Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси тадбирларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Корхона «Ўзбекистон тиббиёт техника» ишлаб чиқариш савдо бирлашмаси билан келишган ҳолда муолажада қўл келадиган жиҳозлар намуналарини чиқаришни режалаштирди. Ушбу махсус ўриндиқлар турли шифохоналар учун керак бўлади.

Тошкентдаги «Эльбор» ишлаб чиқариш бирлашмаси тиш даволашда қўлланиладиган асбобни етказиб бериш истагини билдирди. «Радиоэлектротехприбор» концерни эшитиш аппарати аккумуляторини, «Протезист» ишлаб чиқариш бирлашмаси ногиронлар учун аравачалар ва қўлтиқтаёқлар ишлаб чиқаради. Болалар ортопедия каравотини чиқаришни эса Тошкент кимё қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи жамоаси ўз зиммасига олди.

Ваҳоб ВАЛИЕВ.

«Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмасида бугунги кун талабига жавоб берадиган «Нодира» телевизори кўплаб ишлаб чиқарилмоқда.
СУРАТДА: ана шу бирлашманинг илғор йигувчиларидан Любовь Богданова ва Дилфуза Маюсупова-лар.

Рустам Шарипов сурати.

ТАЛАБАЛАР ЁТОҚХОНАСИ

ТОШКЕНТ ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти маъмурияти кейинги пайтларда талабаларнинг ўқишлари ҳамда дарсдан кейин ҳордиқ чиқаришлари учун кўп ишларни амалга оширмоқда. Уларнинг яшашлари учун шарт-шароит яратиш мақсадида институт ёнида яна бир ётоқхонада қурилиш ишлари ниҳоясига етай деб қолди. Ётоқхонада қурилиш ишларини Тошкент давлат-ҳиссадорлик қурилиш корпорациясига қарашли 159-трести бунёдкорлари бажаришди.

50 та талабалар яшашига мўлжалланган бу бинода уларнинг ўқишдан сўнг дарс тайёрлаб, мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун ҳамма шароитлар муҳайё. Кенг ва ёруғ хона ва бошқалар шулар жумласидандир. Ётоқхона атрофида қурилган ошхонадаги мазали таомлар талабаларни қувонтиради.

Айни пайтда бу ерда қурилиш-тиклаш ишлари тугатилиб, пардозловчилар - меҳнат қилишмоқда. Бу ишни ҳам юқоридаги трест қурувчилари амалга оширишмоқда.

Ғафур ЮНУСОВ.

⊙ Ҳа, бу гапимизга ишонаверинг. Ҳар бир уй бекаси учун жуда ҳам зарур бўлган бундай совунлар эндиликда олисда эмас, балки Тошкент шаҳрининг ўзида тайёрланадиган бўлди. Бунга аввало Тошкент нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмаси негизида ташкил этилган ўзбек-корейс «Тэдоган» қўшма корхонасининг ишга туширилиши шарофати билан эришиладиган бўлди. Куни кеча ана шу қўшма корхонанинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

* *Бозор иқтисодиёти ва ҳаёт*

ЧИҚИТДАН СОВУН ТАЙЁРЛАНАДИ

ХЎШ, ўзбек-корейс қўшма корхонаси қанча маҳсулот ишлаб чиқаради? Бу ерда шуни айтиш керакки, дастлабки кезларда бу корхона йилига 1000—1200 тонна кир совун ишлаб чиқаради. Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, бу маҳсулотлар ғайри табиий бўлмаган хом ашёдан тайёрланади. Бу қандай хом ашё экан деб сўрарсиз. У шолини гуручга айлантириш пайтида ажралиб чиқадиган ёғли чиқитдан тайёрланади.

Кореядан келган ҳамкорлар таклиф этаётган ишлаб чиқариш технологиясининг ўзи ҳам жуда қизиқ. Шундай маҳсулотни тайёрлаш жараёнида атроф-муҳитга ҳеч қандай зарарли чиқитлар чиқмайди. Бунинг устига бутун иш жараёни тўла автоматлар зиммасига юкланган бўлиб, тайёрланган кир совунларни бўлакларга ажратиш ва уни тахлаш «ақлли» жиҳозлар гарданига юкланган. Бу нарса ишчиларнинг вақтини тежаш ва улар меҳнатини енгиллаштириш имконини беради.

— Бу қўшма корхона 1991 йилнинг 7 июлида рўйхатдан ўтказилган эди, — деб эслайди «Тэдоган» директори Т. Ч. Хван. — цехларни қуриш бўйича қурилиш-тиклаш ишлари эса 1992 йилнинг ёзида бошлаб юборилди. Мана қарабсизки орадан тўққиз ой ўтгандан кейин тошкентлик бунёдкорлар томонидан барпо этилган ушбу корхона дунё юзини кўрди ва у ўзининг дастлабки маҳсулотларини беришга тайёр.

Корея томонининг бу ишдаги ҳиссаси шундан иборатки, хориждаги бу дўст давлатдан технология келтирилди, жиҳозлар олиб келинди ва малакали мутахассислар келишди. Кўриб турганингиздек Тошкент нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмаси хоналарни, коммуникация ва хом ашёларни берди. Инвестиция шартлари ўзаро манфаатли асосларга қурилган бўлиб, у элликка элликни ташкил этади. Яъни тайёрланган маҳсулотнинг 50 фоизи Ўзбекистонда қолади, қолган 50 фоизи эса хорижий элларга экспорт қилинади.

Ўзбекистон заминида ва Кореяда ҳам худди шунга ўхшаш қўшма корхоналарнинг бундан буён ҳам ташкил этилиши бозор иқтисодиётини янада ривожлантириш ва ҳар икки давлат ўртасидаги икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Янги қўшма корхона ҳақидаги гапимизни мухтасар этишдан олдин «Тэдоган»нинг очилиш маросимида қатнашган кишиларнинг исми-шарифларини ҳам эслатиб ўтмоқчимиз. Корея Халқ Демократик Республикасининг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги қўшма корхоналар бўйича элчихонаси маслаҳатчиси жаноб Ким Хун Сун. «Тэдоган» фирмасининг президенти, Тошкент нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Тожибой Маъдинов ва бошқалар, шунингдек бирлашма ходимлари қўшма корхона очилиши маросимида иштирок этдилар.

Бир неча нотиқларнинг дил сўзларидан кейин Ўзбекистон Республикаси ва Корея Халқ Демократик Республикасининг Давлат мадҳиялари садолари остида алвон тасма қирқилди ва янги қўшма корхона ишга туширилди.

Собир ЛАТИПОВ.

ҲАВАСКОРЛАР ТОМОШАСИ

КОМИЛЖОН Содиқов номидаги шаҳар маданият уйи қошида фаолият кўрсатаётган «Колокольчик» ҳаваскорлар қўғирчоқ театри жамоаси бир неча йиллардан буён ранг-баранг томошалар кўрсатиб келмоқда. Яқинда режиссёр Ранса Сокольская томонидан саҳналаштирилган «Қуённинг ҳоласи» эртак-спектакли саҳнага олиб чиқилди. Мазкур қувноқ саҳна асаридаги асосий ролларни Наташа Пшеничная, Маша Буянова, Татьяна Юнмаева, Наташа Гребанова ва бошқалар ижро этмоқдалар.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.

МУМТОЗ ШОИРАГА БАҒИШЛАБ

ТОШКЕНТ молия институтида мумтоз шоира Нодирабегим таваллудининг 200 йиллигига бағишланган адабий кеча ташкил этилди. Институт ўқитувчилари муҳаббат куйчиси номини олган Моҳларойимнинг ҳаёти ва ижоди, ўлмас ғазаллари ҳақида тўхталиб ўтдилар.

Кечада иштирок этган шоира Нилуфар Нодиранинг оғир қисмати, ўша даврдаги Қўқон муҳити, шоиранинг ҳалқига бўлган муҳаббати ҳақида тўлқинланиб сўзлади. Шундан сўнг институт бадиий ҳаваскорлик жамоалари Нодира ҳаётидан ҳикоя қилувчи драматик саҳна кўринишларини намойиш этдилар.

Кечага ташриф буюрган Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театри артистлари драматург Салоҳиддин Сирожиддинов асари асосида саҳналаштирган «Фигон» фожиасидан парчалар ижро этдилар.

Собир БОЗОРБОЕВ.

Мавлуда Ҳайдарова узоқ йиллардан бери «Учқун» тикувчилик атторчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида самарали меҳнат қилиб келади. Бу меҳнат фахрийси шу йиллар ичида қанчадан-қанча матолар ишлаб чиқарди. Шу билан бирга кўплаб шогирдларга устозлик қилди.
СУРАТДА: Мавлуда Ҳайдарова.

Андрей Пишненко сурати.

* *Ўзбекистон ва жаҳон*

ГЕРМАНИЯЛИК МЕҲМОНЛАР

ТОШКЕНТДА Германиянинг Мюнхен, Зауерлах штатларидан етти кишидан иборат жамоатчилик гуруҳи меҳмон бўлиб турибди. Бу гуруҳнинг пойтахтимизга ташрифи биринчи марта эмас.

Мазкур гуруҳ 1991 йилда илк бор Тошкентга келганида Ўзбекистон Дўстлик жамиятида ҳам бўлганлар ва жамиятнинг, хусусан, хотин-қизлар шўъбаси фаолияти немис дўстларимизнинг диққатини ўзига тортган эди. Учрашувдан эсдалик бўлиб қолган нарса жамият хотин-қизлар шўъбаси билан алоқа ўрнатиш, делегациялар алмашинувини ташкил этиш бўлди. Аҳдлашувга кўра 1991 йилда жамият хотин-қизлар шўъбаси раиси О. С. Аббосова бошчилигидаги делегация Германияга сафар қилди. Демак, немис жамоатчилик гуруҳининг бу ташрифи жавоб тариқасидаги ташрифдир.

Меҳмонлар ўзлари билан инсонпарварлик ёрдами тариқасида дори-дармонлар ҳам олиб келганлар. Шуниси қизиқарлики, бу дори-дармонларни немис дўстларимиз ўзлари тайёрлаган, турли ширинликларнинг савдо кўргазмасидан тушган маблағ ҳисобига харид қилганлар. Бу дори-дармонлар болалар уйларига, касалхоналарга тақсим этилади.

Ўзбекистон Республикаси халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмасида немис жамоатчилик гуруҳи билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда миллий уюшма раиси Н. Ғойбов меҳмонларни республикамизда бугунги кунда турли соҳаларда рўй бераётган ўзгаришлар, Ўзбекистон ҳукуматининг олиб бораётган фаолияти билан таништирди. Ўз навбатида гуруҳ раҳбари Брижта Штанке миллий уюшма фаолларига меҳмонларга кўрсатган эътибори учун миннатдорчилик билдириб, учрашув қатнашчиларини ўзбек ва немис халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга чақирди.

— Биз, — дейди Брижта Штанке, — халқ дипломатияси вакилларимиз, халқ орасидан чиққанмиз, ниятимиз ҳам халқлар ўртасида дўстлик алоқаларини ўрнатишдан иборат. Бинобарин, сиёсатда ҳам бу муҳим қадам ҳисобланади.

Гуруҳимизнинг бу галги ташрифи ўзгачадир. Чунки ҳозир биз ўзбек оилаларида яшаяпмиз, ўзбек халқи ҳаёти ва урф-одатлари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўламиз. Агар хорижда ўзбеклар, айниқса ўзбек аёли ҳақида гап борса, биз бемалол ўзбек халқининг меҳмондўстлигини, очиққўнгиллигини мақтай оламиз.

Учрашув сўнггида миллий уюшма раиси Н. Ғойбов меҳмонларга уларнинг кўрсатган инсонпарварлик ёрдамлари учун миннатдорчилик билдириб, эсдалик совғаларини топширди.

Нонбаҳон АЗИЗОВА.

* *Футбол*

Жон куйдирмасанг...

Кеча ўз майдонида Гулистоннинг «Шифокор» жамоасини қабул қилган пахтакорчилар учрашувни жуда бўш, лаёқатсизлик билан бошлашди. Балки бунга рақибларининг маҳорати анчайин паст бўлганлиги сабаб бўлгандир? Лекин нима бўлганда ҳам ўйиннинг 18-дақиқасида «Шифокор» жамоаси олий лигада кучсиз клублар бўлмаслигини исботлаб «Пахтакор» жамоаси дарвозасига тўп киритиб ҳисобни очди. Шундан сўнггина ўтган йилги миллий чемпионат ғолиби бошига бир челак совуқ сув қуйилгандек «тўсатдан уйғонди». Ўйиннинг 25-дақиқаларида Шуҳрат Мақсудов ҳисобни тенглаштирди. 39-дақиқада Абдуқаҳҳор Маъруфалиев, 51-дақиқада Д. Ивангородский навбатдаги тўпларни киритиб «Шифокор» жамоасини доғда қолдирди — 3:1.

Мазкур учрашувда чемпионатнинг моҳир тўпурари Шуҳрат Мақсудов ажойиб ўйин кўрсатиб яна икки бор гулистонликлар дарвозабонини тўпни дарвоза тўридан олиб чиқишга мажбур этди.

Гарчи бу ўйинда «Пахтакор» 6:1 ҳисобида ғолиб чиққан бўлсада, бизнингча, улар ҳар бир рақибга жиддийроқ муносабатда бўлишни одат қилсалар нур устига аъло нур бўларди. Чунки менсимаслик, рақибни ҳурмат қилмаслик, ўз кучига ортиқча баҳо бериб юбориш албатта яхши оқибатларга олиб келмайди.

Шариф ЗОҲИДОВ.

* *Воқеа арафасида*

НИЯТ ХОЛИС ЭКАН

ШАҲРИМИЗДАГИ «Средазэлектроаппарат» бирлашмасида меҳнат қилаётган ишчи-хизматчидан тортиб, бош директоргача ашаддий футбол ишқибози. Уларнинг ҳатто ўз футбол жамоалари ҳам бор. Шунинг учун ҳам бирлашма жамоасининг биринчиларидан бўлиб, «Пахтакор» клубига ҳомийлик қилиш ташаббуси билан чиқиши ҳеч кимни ажаблантирмади.

Баҳор фаслининг бошларида бирлашмада «Пахтакор» мураббийлари, ўйинчилари билан учрашув уюштирилган эди. Ушанда бирлашма бош директори Абдумаанап Алимбоев «Средазэлектроаппарат» ва «Пахтакор» жамоалари ўртасида футбол бўйича ўртоқлик учрашуви ўтказишни таклиф этган эди. Қарангки ният холис экан. Шу йилнинг 5 июнида — Жаҳон табиатни муҳофаза қилиш кунида бу таклиф амалга ошадиган бўлди.

Шу куни соат 15.00 да «Пахтакор» Марказий ўйингоҳида «Средазэлектроаппарат» жамоаси ўтган йилги миллий биринчилик ғолибига қарши майдонга тушади.

Жонкуяр ташкилотчилар бу тадбирни спорт ва санъат байрамига айлантириб, узоқ вақт ёддан чиқмайдиган бўлишини ўйламоқдалар.

«Пахтакор» ўйингоҳига таклиф этилган бирлашма ишчилари, уларнинг оила аъзоларига шаҳримизнинг таниқли санъаткорлари ҳиммат кўрсатадилар.

Ўйлаймизки, «Пахтакор»дек тажрибали клуб ва унга қарши майдонга тушишга жазм эта олган «Средазэлектроаппарат» бирлашмасининг ҳаваскор футбол жамоаси ўртасидаги ўртоқлик учрашуви шу куни ўйингоҳга ташриф буюрган барча мухлисларга оламолам қувонч бахш этади.

Шуҳрат ЗОКИРОВ.

И. КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ

АДОЛАТЛИ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ АРКОНИНИНГ БЕШ АСОСИЙ ҚОИДАСИ

4. ФУҚАРОЛАР—ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

Кучли ва изчил ижтимоий сиёсат—адолатли демократик давлатнинг муҳим шартидир.

Ислом КАРИМОВ.

БУГУНГИ қийинчиликларнинг асосий сабабларидан бири, собиқ марказдаги қайта қуришни бошлаган раҳбарларнинг пухта ўйламаган сиёсати, хом-хатала дастуру режалари ва пала-партиш ҳаракатларидир. Бу ҳол иқтисодиётни жар ёқасига келтирди. 70 йилдан ортиқ вақт ичида шаклланган хўжалик алоқаларининг тамомила бузилиб кетганлиги, иқтисодий бўҳроннинг чуқурлашиб бораётгани, пулнинг ҳаддан ташқари қадрсизланиши, истеъмол молларининг тақчиллиги, қимматчилик ҳаёт кечиришнинг оғирлашувига олиб келди.

Бугунги кунда, аввало, аҳволни ўнглаш, келгусида халқимизнинг фаровон турмуш кечириши учун аста-секин бозор иқтисодига ўтилмоқда. Ана шу ўтиш даврида республикамизда кучли ва изчил ижтимоий сиёсат юритилаётганлиги — биздаги иқтисодий ислоҳотларнинг асосий хусусиятидир. Бундан мақсад жамиятда юз бераётган катта ўзгаришлар даврида бозор иқтисодининг бешафқат имтиҳонларидан талофатларсиз, айниқса, халқимиз учун ортиқча мушкулотлар туғдирмайдиган тарзда ўтиб олишдир. Маълумки, мамлакатимиз раҳбарияти бозор иқтисодига ўтишга фуқаролар турмуш шароитини яхшилаш воситаси, деб қарамоқда. Ана шу мураккаб жараёнда давлатнинг энг асосий вазифаси аҳолининг ижтимоий жиҳатдан кўмакка муҳтож қисми манфаатларини ҳимоя қилиш ва адолатли қарор топтириш мақсадлари асос қилиб олиниши олиб борилаётган сиёсатнинг халқчиллигини кўрсатиб турибди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 22 миллиондан кўпроқ аҳоли истиқомат қилади. Аҳоли сонининг йиллик ўсиши салкам 550 минг кишини ташкил этмоқда. Республикамиз аҳолисининг ярмига яқини 16 ёшгача бўлган болалардир. Қариялар ва болалар мамлакат аҳолисининг 60 фоизга яқинини ташкил этади. Аҳолининг аксарият қисми қишлоқ жойларида яшайди. Ҳар бир оила бошлиғи қарамоғида ўртача 5—6 киши бор.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Дастуридаги «Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинишини кафолатлаш — бозор муносабатларига ўтишнинг асосий шарти» бўлимида: «Республикамиз аҳолисининг ҳаёти тўкис бўлиши, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ижтимоий адолат қоидаларига оғишмай амал қилиниши партия фаолиятининг асосий мақсадидир», деб алоҳида таъкидланган. Президентимиз Ислом Каримов етакчилик қилаётган ҳукумат идоралари томонидан аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинишини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлайдиган ҳужжатлар тайёрланмоқда. Бунда асосий эътибор кам таъминланган ва серфарзанд оилаларга, талабаларга нафақа тўлашга ҳамда аҳолини иш билан таъминлашга қаратилаяпти. Президент Фармонлари билан ногиронлар, пенсионерларнинг нафақалари, талабаларнинг стипендиялари, ёш болаларга бериладиган нафақалар, бюджет ташкилотларида хизмат қилаётган ходимларнинг маошлари бир неча баробар оширилди. Республикамизда иш ҳақининг энг кам миқдори 1993 йилнинг 1 июнидан 7500 сўм қилиб белгиланди.

Маълумки, Вазирлар маҳкамасининг қарорига биноан Ўзбекистон ҳудудида 1993 йилнинг 1 январидан бошлаб меҳнат ҳақи ягона тариф сеткаси билан тартибга солинмоқда. Бунга энг оз иш ҳақи асос қилиб олинган бўлиб, унинг оширилиши халқ хўжалигидаги барча меҳнаткашлар, жумладан, бюджет ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг, ҳарбий хизматчиларнинг тегишли тариф ставкалари ва мансаб окладлари 1,2 баробар кўпайишига имкон берди.

Барча турдаги пенсияларнинг миқдори 30 фоиз оширилиб, меҳнат нафақасининг энг оз миқдори 3250 сўм қилиб белгиланди. Олий ўқув юртлари талабаларининг, кийим-бош ва овқат билан таъминлайдиган техникумлар ҳамда ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари 1,2 марта кўпайтирилди, уларнинг тушлик овқатлари қийматидан 50 фоизлик чегирмалар сақлаб қолинди. Аҳоли барча табақаларининг моддий фаровонлигини янада яхшилаш учун яна бир хайрли қадам қўйилди. Барча турдаги пенсияларни 1,3 баравар оширишнинг ўзи 2,5 миллион кишининг даромадларини кўпайтирди. Солиқ олинмайдиган пул даромадларининг энг паст даражаси 3000 сўм миқдорида белгиланиши кам даромадли оилаларнинг реал даромадларига қўшимча даромаддир. Бундан ташқари, болаларнинг айрим кийим-бошларига 50 фоизлик камайтирилган нарх сақлаб қолинди. 1992 йилда халқимиз учун ижтимоий тўловлар ва имтиёзларга давлат томонидан 160 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди.

«1993 йилнинг 1 июнидан меҳнат ҳақи, пенсиялар, стипендияларнинг, болали оилалар ижтимоий нафақаларининг миқдорларини ошириш ҳамда республиканинг истеъмол бозорини ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги республика Президентининг Фармони фуқароларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Бозор иқтисодиёти қийинчиликларига қарамасдан халқимиз саломатлиги ҳақида ғамхўрлик қилиш республика раҳбарияти диққат марказида бўлди. Ўтган йилнинг ўзида 3,2 минг ўринли касалхоналар ва 12,2 минг кишига хизмат кўрсатишга мўлжалланган амбулатория ва поликлиникалар фойдаланишга топширилди. Шунингдек, шифохоналарда ва яшаш жойларида фуқароларга кундузги тиббий ёрдам кўрсатишни ривожлантириш, фарзанд кўрувчи ёшдаги аёлларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш бўйича ишлаб чиқилган миллий дастурни ҳаётга тадбиқ қилишга алоҳида эътибор қилинмоқда. Экологияси танг аҳволда бўлган тоғли ва чўл районларда жойлашган шифохоналарни доридармонлар, асбоб-ускуналар билан таъминлаш бир мунча яхшиланди. Республикада доридармон ишлаб чиқариш саноати етарли ривожланмаганлиги учун уларни чет эллардан сотиб олишга бюджетдан маблағ ажратиш масаласи ниҳоятда қийин бўлишига қарамай, бу мақсадлар учун валюта берилмоқда.

Кўпгина озиқ-овқат маҳсулотларига чекланган нархлар сақланиб турибди.

Республика бўйича жорий йилнинг уч ойи мобайнида аҳолига етказиб берилган кундалик зарур озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотларнинг нархларидаги фарқни қоплаш учун давлат бюджетидан 23 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди. Бундан ташқари, коммунал хизматлар бўйича тўловларнинг ва шаҳар транспортида юриш ҳақининг қопланмаган қисмига ҳам бюджет ҳисобидан шу мақсадлар учун 4,5 миллиард сўм ажратилди.

Болали оилаларга, келин-қуёвларга қарийб 4 миллиард сўм миқдорида товон пули тўланмоқда. Камқонлик дардига чалинган ҳомиладор аёлларни, ёш болаларни ва ёлғиз қарияларни бепул овқатлантириш учун бу йил бюджетдан 300 миллион сўмдан кўпроқ сарфланди. Йилнинг фақат биринчи чорагида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тадбирларига сарфланган маблағ 35 миллиард сўмдан ортиб кетди.

Яқинда давлат харид нархларининг яна бир бор оширилиши республика жамоа ҳамда давлат хўжаликлари, бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарига шу йилнинг қолган даврида қўшимча салкам 30 миллиард сўм даромад олиш имконини беради. Бу даромад маҳсулотнинг давлат буюртмаси ҳажмида белгиланган қисмидангина олинади. Режадан ошиқча маҳсулот эса келишилган нархларда сотилади. Келадиган даромад қишлоқ аҳолининг иш ҳақи ва бошқа тушумларининг ошишига, турмуш шароитининг яхшиланишига хизмат қилади.

Мулкчиликнинг турли шаклларига тенг имкониятлар берилиши, жумладан ижара, тадбиркорлик, чет эл сармояларига кенг йўл очилиши ҳамда иқтисодиётни ривожлантириш учун тегишли қонунларнинг қабул қилиниши, кўплаб ширкатлар, компания ва концернлар, қўшма корхона, биржа ва тижорат банкларининг тузилиб, бозор муносабатлари шакллантириляпти. Лекин республика иқтисодиётининг Россия, Украина, Беларусь, Марказий Осиё давлатлари ва бошқа жумҳуриятларнинг иқтисоди билан мингларча кўринмас иплар билан боғланганлиги тангликдан тезроқ чиқишга тўсқинлик қилмоқда. Биз озиқ-овқат ва саноат маҳсулотларининг 60 фоиздан ортиқроғини, нефть маҳсулотларининг қарийб 90 фоизини, жуда кўп миқдорда машинасозлик, ўрмон хўжалиги, металлургия маҳсулотларини, ундан ташқари минтақамизга хос бўлган маҳаллий саноат маҳсулотларини қайта ишлашда фойдаланиладиган таркибий қисмларни ҳам шу давлатлардан оламиз. Ташқаридан келтириладиган маҳсулотларнинг нархи ҳамда транспорт ва сотиш харажатлари тобора ортиб бормоқда. Натижада ўзимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг нархи ҳам кўтарилмоқда. Республикамиз ҳукумати гўштнинг ҳар килограммини Ҳамдўстлик мамлакатларидан 750 сўмдан сотиб олаяпти. Ўзимизда етиштирилиб аҳолига сотилаётган ҳар килограмм гўшт давлатга 500 сўмга тушмоқда.

Республикамиз бошқа давлатлардан олинадиган ҳар килограмм ғалла учун 68 сўм тўламоқда. Буғдой тегирмонда ун қилиб тортилиб, харидорга етиб келгунга қадар ҳар килосининг нархи 80 сўмдан ошмоқда.

Юқорида тилга олинган кундалик истеъмол молларининг айрим турлари бошқа шаҳарларда қанча туришини солиштирадиган бўлсак, кўп нарса яна ҳам равшанроқ бўлади. Шу йил 29 апрелда «Труд» газетасида берилган баъзи маълумотларни келтириб ўтмоқчиман.

Москвада 1 литр сут баҳоси — 110,7 (шаҳар бозорида 429), 1 килограмм шакар — 342,4, мол гўшти — 699 (шаҳар бозорида 2412 сўм), мол ёғи — 1293 (шаҳар бозорида 2368), картошка — 53 (шаҳар бозорида 213) сўм.

Худди шундай баҳоларни бошқа республика ёки ён қўшниларимиз мисолида ҳам келтиришимиз мумкин. Маълумки, маҳсулот қаерда арзон бўлса, харидор ўзига керакли молни ўша ердан олишга ҳаракат қилади ва натижада пулнинг ташқаридан кириб келиши кучаяди. Пул кўпайиб таклиф ва талаб ўртасидаги мувозанат бузилиши натижасида ихтиёрсиз равишда нарх-наво кўтарилади.

Бундай кўнгилсиз ҳолнинг халқимиз ҳаётига таъсирини камайтириш мақсадида шу йил 5 майда Вазирлар маҳкамаси «Пул муомаласини тартибга солиш ва республика истеъмол бозорини ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида» ҳамда «1993 йилда купон беришнинг янги табақалаштирилган жадвалини белгилаш тўғрисида» қарор қабул қилди. Буларни айтишдан мақсад ҳукумат ўткинчи давр ташвишларининг анча қисмини ўзига олиб, ватанимиз ҳар бир фуқаросининг мушкулини осон қилиш учун барча имкониятларини ишга солаётганлигини таъкидлашдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг хорижий журналистлар билан бўлган матбуот конференциясида «Давлат ўз фуқароларини муҳофаза қилишга қодир бўлсагина давлат бўлади», деган гаплари ва шунга мос тарзда амалга оширилаётган ишлар фикримизнинг далилидир. Бу ишлар «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» рисоласида таъкидланганидек, келажагимизни буюклаштириш йўлидаги ўткинчи қийинчиликларни юмшатиш борасида қилинаётган амалий тадбирлардир.

Ишонч билан айтиш мумкинки, келгусида халқимизнинг фаровон ҳаёт кечириши учун пухта замин яратилмоқда, улкан режалар амалга оширилмоқда. Республикамиз иқтисодиётида бош йўналиш шундан иборатки, мавжуд хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотларни ўзимизда қайта ишлашни ниҳоясига етказиш, яъни асосан дунё бозорида рақобат қила оладиган тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришдир. Шу тариқа миллий даромадимиз 2-3 баробардан зиёдроқ ортади. Бу эса халқимизга муносиб турмуш шароити яратишга имкон беради. Ўзбекистоннинг жаҳондаги тараққий этган давлатлар қаторидан ўрин олишида асосий омил бўлади.

Самуғжон ҲИКМАТОВ,
иқтисод фанлари номзоди.

Республикамиз мустақилликка эришиб, дунёга юз тута бошлаганиданоқ дарвозаларимиз хорижий давлатлардан келувчи ишбилармонларга кенг очиб қўйилди. Катта тарихга эга давлатимиз бутун дунё аҳлига курраи заминда худди янги бир дунё кашф этилгандек қизиқиш уйғотди. Шу боис ҳам юртимизга жаҳоннинг турли бурчакларидан келаётган корчалонлар, тадбиркорлар, ишбилармонлар сони кўпайиб, уларнинг кети узилмаяпти.

Покистонлик Леки Аҳмад Хон ҳам юртимизга биринчилардан бўлиб келган хорижий ишбилармонлардан. У дастлабки фаолиятини саёҳат уюштириш бўйича бошлаган эди. Энди эса қўшма корхона тузиш ниятида иш олиб бораяпти. Аҳмад Хон билан суҳбатимиз Ўзбекистон ва Покистоннинг дўстона алоқалари, урф-одатлари ҳақида бўлди. 26 ёшли бу йигитнинг катта бизнес билан шуғулланганига уч йилдан ошган.

— Жаноб Аҳмад Хон, Ўзбекистонга, унинг пойтахти Тошкент шаҳрига бўлган қизиқиш Сизда қачон пайдо бўлган эди?

* *Мустақиллик мевалари*

Аҳмад ХОН: «БОЙ ТАРИХИНГИЗ БОР»

— Покистонликлар Ўзбекистон ҳақида катта таассуротга эга. Ўқув муассасаларида юртингиз ҳақида кўплаб китоблар ўқиганмиз. Ўзбекистон ҳақида ҳикоя қилувчи, унинг зиёлилари ижодидан баҳраманд этадиган адабиётлар бизда жуда кўп нашр этилган. Шунинг учун бўлса керак, Покистонда бирон-бир киши йўқки, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ҳақида ёки Амур Темур, Улуғбек, Навоий ва Беруний-ларни билмаган бўлса. Шу боис ҳам болалигимдан Ўзбекистонга бориш ҳаваси уйғонган эди. Ўзбек халқи мустақилликка эришгач, бунинг учун имконият туғилди. 1992 йил июль ойидан буён юртингиздаман.

— Хўш, пойтахтимиз Сизда қандай таассурот қолдирди?

— Тошкент чиройли шаҳар. Айниқса, одамлари жуда меҳмондўст экан...

— Юртимизга ҳавасингиз баландлиги сезилиб турибди. Бунинг боиси нимада?

— Ҳар бир ишга киришишнинг бошланиши албатта ўзига хос маълум қийинчиликлар туғдиради. Оиламизда ҳамма бизнес ишлари билан шуғулланади. Уч йилдирки, мен ҳам катта бизнесга қўл урдим. Мақсадим Ўзбекистон — Покистон ўртасидаги дўстона алоқага ўз ҳиссамни қўшиш. Ҳар икки давлат саёҳатчилари учун имкониятлар яратишга хизмат қилиш. Яқин келажакда Тошкентда тикувчилик бўйича қўшма корхона очиш ниятим ҳам йўқ эмас. Шу орзу-умидлар менинг бу юртга ҳавасимни, қизиқишимни янада ошириди.

— Сизни ва бошқа корчалонларни Ўзбекистон иқтисодиётининг асосан қайси томонлари қизиқтиради?

— Ўзбек пахтаси ва қоракўл терриси бутун дунёга машҳур. Шунинг учун пахта ва терини қайта ишлайдиган корхоналарни қўпайтириш ғояси кўпчилик фикрини банд этмоқда. Ахир шунча ажойиб хом ашё бўла туриб тайёр маҳсулот бошқа ердан чиқарилса мақсадга мувофиқ бўлмайди-ку.

— Ўзбекистонлик ёшлар, улар ҳаётидаги қайси муаммолар диққатингизни ўзига тортади?

— Ёшлар... Аввало уларнинг ҳар бир давлатнинг келажаги эканлиги ҳаммамизга аён. Бу ерда кўпчилик ёшлар тижорат-воситачи дўконлар очиб тижорат билан шуғулланишаётган экан. Менимча бу умуман бизнес ҳисобланмайди. Хорижий давлатларнинг турли маҳсулотларини сотиш билан тижоратчилар иқтисодиётингизнинг ривожига яхши ҳисса қўшолмайди. Қачонки, улар юртингизда ишлаб чиқаришга боғланиб иш олиб борса ундан давлатга ҳам, ишбилармонга ҳам катта фойда келади. Муҳими, халқингиз иқтисодий тангликдан тезроқ чиқиб кетади. Бундан ташқари баъзи ёшлар тарихингизни мукаммал билишмайди. Амур Темур ҳақида ва бошқа машҳур алломаларингиз ҳақида шу юрт фарзандларидан эшитишни истар эдим. Ҳар бир юрт фуқароси ўз қаҳрамонларини фарзандларига гўдаклигидан ўргатиб, уқтириб бориши керак. Болаликдаги тушунча уни келгусида шу қаҳрамон томонга, у каби буюк бўлишга етаклайди.

— Энди ўз ҳаётингиз, миллий урф-одатларингиз ҳақида ҳам гапириб бермоқчисиз.

— Исломободда туғилганман. Тарихий Лаҳор шаҳридаги олий ўқув юртида таҳсил олиб, зоология мутахассислигини эгалладим. Икки йиллардан кейин уйланиш ниятим бор. Бизда келинни тўйдан кейин кўришади. Асосан йигитнинг онаси келинни топади. Бу урф-одат менга ҳам ёқади. Покистонда ажралишлару оилавий можаролар жуда кам. Ҳар бир оилада ичиш ва чекишга нисбатан кескин салбий муносабат ҳукм суради. Баъзида ичувчи фарзандини оиласидан чиқариб юбориш ҳоллари ҳам учраб туради. Сўнгги бор Рамазон ҳайитида уйда бўлдим.

— Келгуси режаларингиз.

— Режаларим жуда кўп. Исломободда оиламизга тегишли «Али бобо» номли меҳмонхонамиз бор. Шунга ўхшаш меҳмонхонани Тошкентда ҳам қуриш ниятидаман. Сифати жиҳатдан замонавий талабларга жавоб берадиган тикувчилик қўшма корхонасини бунёд этиш учун дастлабки ишларни бошлаб юбордим. Умид қиламанки, барча ишларим юришиб кетади.

Суҳбатдош
Эркин ЭСИРГАДИЕВ.

---

* *Шаҳар хўжалиги мавзуида*

ЎНҚИР-ЧЎНҚИР ЙЎЛЛАР

КЎПИНЧА биз шаҳар транспортидаги ноқулайликлар ҳақида шикоят қиламиз. Чунки ана шу транспорт воситалари баъзан йўл жадвалига риоя қилишмайди. Натижада манзилимизга етиб олиш учун биз уларни соатлаб кутиб қоламиз.

Хўш, нимага шундай? Бунинг сабабларидан бири автосаройлардаги автобусларнинг эскилиги ҳамда етишмаслигидир. Бунинг устига ҳозир эҳтиёт қисмлар камёб.

Лекин автобус ҳамда бошқа транспорт воситаларининг ўз вақтида юрмаслиги ёки носоз автосаройларга қайтиб келишининг яна бир сабаби бор. У ҳам бўлса ўша транспорт юрадиган йўлларнинг носозлигидир. Ахир юрадиган йўл ўнқир-чўнқир бўлгандан кейин машина тез ишдан чиқадида. Ҳаракатдаги ҳар бир транспорт жадвалда кўрсатилган вақтда етиб бориши учун кўчаларимиз равон бўлиши керак. Аслида эса бундай эмас. Чунки шаҳар ичи ва унинг атрофидаги кўчаларнинг аксарияти йиллар давомида созланаётгани йўқ. Бунинг оқибатида автобус, такси, троллейбусларнинг рессорлари синиб, ҳаракатдаги қисмлари ишдан чиқмоқда.

Масалан, «Тошшаҳйўловчиавтотранс»га қарашли автокорхоналардан ҳамшаҳарларимизга хизмат қилиш учун ҳар куни мингдан ортиқ автобуслар йўлга чиқади. Бироқ уларнинг юздан ортиғи қисқа вақт давомида ҳаракатда бўлиб, носоз ҳолатда автосаройларга қайтиб келади. Бунинг натижасида биринчидан йўловчилар бу йўналишлардаги автобусларни орзиқиб кутиб қолишмоқда. Иккинчидан, автокорхоналар учун ҳам бу носоз транспорт воситаларининг фойдасидан зиёни кўп бўлаётир.

Гапимиз қуруқ бўлмаслиги учун бир неча мисоллар келтирсак.

Толарик кўчасидаги чуқурчаларни кўриб ҳайдовчиларнинг юраги жизиллайди. Чунки бу чуқурчалардан эсон-омон ўтиб кетишнинг ўзи бўлмайди (юқоридаги сурат). 3-автокорхонага қарашли 76, 65, 118-йўналишдаги автобуслар қатнайдиган Форобий кўчасидаги 118-уй атрофи ҳам юқоридагилардан қолишмайди (пастдаги сурат). Чилонзор тумани 6-мавзесидаги 65-уй атрофида узунлиги 8 метр, эни 4 метр келадиган чуқур бор. Агар бу ерга автобус тушиб кетса, соғ чиқиши амри-маҳол.

Айтаверсак гап кўп. Бироқ бугунги кунга келиб кўп автокорхоналар хўжалик ҳисобига ўтиб ишлашмоқда. Бас, шундай экан, улар ҳозир ҳар бир эҳтиёт қисмнинг тежаб-тергаши керак. Ҳайдовчилар эса самарали меҳнат эвазига унумли маош олиб, оила тебратишлари зарур. Энг асосийси автокорхоналар кўрилган фойда эвазига эҳтиёт қисм ҳамда янги автобуслар сотиб олиши мумкин. Аммо юқоридаги йўлларнинг носозлиги туфайли улар ана шу имкониятлардан маҳрум бўлмоқдалар.

Дард устига чипқон, деганларидек, шаҳримиз кўчаларидан ўтадиган канализация қудуқлари ҳам яхши аҳволда эмас. Қудуқлар қопқоғининг бири асфальт юзасидан юқори, иккинчиси паст ўрнатилган. Баъзиларида эса умуман қопқоқ йўқ. Масалан, Фарҳод кўчасининг 4-уйи атрофида қопқоқ ер юзасидан 10-15 сантиметр юқорида жойлашган. Чилонзор кўчасидан Халқлар Дўстлиги шоҳкўчасигача 5 та шундай қопқоқ жуда паст жойлашган. Волгоград, Лутфий, Ал-Хоразмий ва бошқа кўчалардаги қопқоқлар ҳам шу аҳволда. Булар ҳам автобус ва бошқа транспорт воситаларининг ишдан чиқишига сабаб бўлмоқда.

З. Шамсиддинова кўчасидан Фарғона йўли шоҳкўчасигача бўлган масофада бир қанча ўнқир-чўнқир жойлар бор. Бу ҳақда Ҳамза тумани ҳокимлигига ахборот берилди. Лекин мана неча ойдирки, улар бунга эътиборсизлик билан қараб келмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, шаҳар кўчаларида бундай камчилик ва нуқсонлар хоҳлаганингизча топилади. Бундан нафақат юқоридаги ташкилотлар, балки юк ташувчи автокорхоналар, шахсий машина эгалари ва бошқалар зиён кўрмоқда. Шунинг учун ҳам шу носоз йўлларни тузатиб қўйишни унутиб қўяётган мутасаддилар бу ҳақда ўйлаб кўришса ёмон бўлмасди.

Маҳкам ҲАКИМОВ.

---

* *Суратли ахборот*

БЎЛАЖАК ЧЕВАРЛАР

ГЎЗАЛ либос кийишни ким истамайди, дейсиз? Ярашиқли кўйлак тикишда эса тикувчидан нафақат маҳорат, балки юксак ва нафис дид талаб этилади. Яқинда касаройи туманидаги 9-ҳунар-техника билим юртида ёшларга юксак савияли билим беришга алоҳида эътибор қаратиляпти.

— Билим юртимиз ўзининг салкам ярим асрлик фаолияти давомида 18 мингдан ортиқ ёшларни касб-ҳунарли қилди,— дейди ҳунар-техника билим юрти директори Илҳом Пўлатов.— Бунда юқори малакали ўқитувчилардан Панна Беляева, Лаҳли Расулева, Хатира Аширматова, умумий таълим ўқитувчилари Мунаввар Ирисбоева, Мавлуда Қосимова ҳамда Ойша Ёқубоваларнинг хизматлари катта.

Билим масканида маънавий қадриятларимиз, тарих ва адабиётимизни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яқинда бўлажак тикувчи қизлар турли рангли матолардан бой адабиётимизнинг буюк сиймоларидан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобур тасвирини тайёрлашди. Бу йўсинда нўҳна маданиятимизнинг йирик намояндалари кўргазмасини тайёрлашни режалаштиришган.

Усмон УСМОНОВ.

СУРАТДА: матошунослик фанидан машғулот пайти.

Муаллиф сурати.

---

* *Кашфиётлар тарихидан*

ЕТТИНЧИ РАҚАМЛИ АЗОТ

КИМЁВИЙ элементлар даврий жадвалидаги еттинчи рақамли азот ўзининг ажойиб ҳоссалари билан диққатга сазовор. Деярли 200 йилдан буён мутахассислар эътиборини жалб қилиб келаётган бу элементни шотландиялик кимёгар, ботаник ва шифокор Даниель Резерфорд кашф қилган.

У 1772 йили ҳаводан нафас олишда иштирок этмайдиган ва оксидланмайдиган элемент ажратиб олди.

СУНЪИЙ БУЕҚ

АГАР инглиз кимёгари Уильям Перкин бир неча ўн йил кейинроқ яшаб ўтганда безгакка қарши ишлатиладиган хинин моддасини анилиндан оламан деб овора бўлиб ўтирмаган бўларди.

Кунларнинг бирида қатрондан чиройли бинафшаранг модда ҳосил бўлганда у таажжубдан ёқа ушлади. Ўшандан буён олимнинг номи кимё тарихига абадий ёзилиб қолди. У дастлабкилардан бўлиб сунъий буёқ—мовеинни кашф этган эди.

Акбар АЛИЕВ
тайёрлади.

Одобнома

⊙ Ҳазрат Навоий таърифлаган палла.

⊙ Халқ оғзаки ижодида эъзозланган қадриятлар.

⊙ Анъанавий алла кўрик-танлови.

* Соғлом авлод учун
ОРОМ ОЛГИН ЖОНИМ МЕНИНГ

УЗОҚЛАРДАН жуда-жуда ёқимли, ўз оҳанглари билан дилни қитиқловчи бир қўшиқ янграмоқда. Уни бутун борлиқ, жонзот вужуди билан тингламоқда. Она алла айтмоқда.

Ширин-шакар болам менинг,
аллаё алла,
Юзимдаги орим менинг,
аллаё, алла,
Ёнғимда холим менинг,
аллаё алла.
Ором олгин жоним менинг,
аллаё алла.

Алла! Гўдаклигида ўзини сержило оҳангида акс этувчи она меҳрининг тафтидан баҳра олмаган, майин, маҳзун товушини эшитиб, ором олмаган киши бўлмаса керак. Алла — ҳаёт қўшиғи. Ер юзидаги барча лапару қўшиқлар ундан бошланган. Дунё яралибдики, у оналар меҳрига йўғрилган юракнинг майин садоси бўлиб янграмоқда.

Аввал хабар берганимиздек, яқинда пойтахтимиздаги Абулқосим мадрасасида бўлиб ўтган алла ижрочиларининг II анъанавий кўрик-танлови ҳам ана шу муқаддас удумимизга бағишланди.

Шарқона урф-одатларимиз асосида безатилган саҳнада республикамизнинг турли вилоятларидан келган онахонлар, келинчаклар ўз маҳоратларини намойиш қилдилар. Танлов Низомига кўра иштирокчилар икки шарт бўйича, яъни ўз вилоятлари ҳудудига хос бўлган қадимий ҳамда замонавий, бастакорлар томонидан яратилган аллаларни ижро этишди.

Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирлиги, халқ ижоди ва маданий-маърифий маркази, Ўзбекистон давлат телерадиокомпанияси ҳамда «Саодат» журнали жамоаси томонидан ташкил қилинган бу кўрик-танлов халқимизнинг асрлар оша яшаб келган ва ҳозирда унут бўлаёзган алла айтиш санъатини янада ривожлантиришга, ҳар бир вилоятга хос бўлган, алла услубларига сайқал бериш, энг яхши алла айтувчилар маҳоратини тарғиб қилиш орқали ана шу халқимизнинг анъанасини тиклашга қаратилди.

Бу ажойиб удумимизнинг ҳозирги кунда тутган ўрни ҳақида кўрик-танлов ҳайъатининг раиси, таниқли бастакор, профессор Наби Халилов шундай дейди:

— Кўрик-танлов муҳим аҳамиятга эга. Чунки кўплаб ёшларимиз алла айтишни билмайдилар. Алла эса бола тарбиясида жуда муҳимдир. Уни тарғиб қилишдан мақсад келгуси авлодни миллий урф-одатларимиз руҳида, меҳр-оқибатли, инсоф-андишали, инсонларга, она-Ватанга муҳаббатли қилиб тарбиялашдир. Бунинг учун эса алла айтиш анъанасини бугунги авлодга қайтариш зарур.

Кўрик-танловда шаҳримизнинг фольклор-этнографик жамоалари ҳам иштирок этдилар. Танаффус пайтида «Саодат» этнографик дастасининг аъзоси, Қаҳрамон она Салтанат Сиддиқовани суҳбатга тортдик.

— Биласизми, алланинг ҳосияти жуда катта. Уни тинглаган гўдак билан эшитмаганнинг ўртасида жуда катта фарқ бўлади. Бу қўшиқ орқали болалар оқибатли, меҳрибон, оқил бўлиб вояга етадилар. Мен ёлғиз ўзим 12 фарзандни тарбиялаб вояга етказдим. Шукр, фарзандларимнинг ҳаммаси эсли-ҳушли, ақлли, катта-кичикни ҳурмат қилади. Бугунги танловда турли оҳанг ва мусиқаларда алла айтилди. Лекин ҳаммаси ҳам ўзига хос ширали, ўзига муносиб оҳанг беради. Аллалар томошабиндар томонидан жуда илиқ кутиб олинмоқда.

Дарҳақиқат, танлов иштирокчилари «Шарқ гули» бадиий буюмлар бирлашмасида бўлиб, ишчиларга ўзларининг катта концерт дастурини намойиш этдилар. Бирлашма жамоаси уларнинг чиқишларини зўр мамнуният билан кутиб олдилар.

Кўрик-танлов ўзига хос тарзда ўтди. Бадиий ҳаваскорларнинг чиқишлари жуда табиий, соф ижролардир. Бунда халқимизнинг нақадар истеъдодли, маҳоратли эканлиги яна бир бор кўзга ташланди. Бу кўрик танловда олий ўрин ҳамшаҳарларимизга, яъни Миробод тумани Ғафур Ғулом маданият уйининг «Гавҳар» фольклор-этнографик дастаси ва Самарқанд вилояти бадиий ҳаваскорларига насиб этди. Биринчи ўрин ҳам шаҳримизнинг «Камалак» оилавий фольклор-этнографик дастаси, иккинчи ўринни Андижон ва Фарғона вилоятлари аллачиларига, учинчи ўрин эса Қорақалпоғистон, Тошкент вилояти, Қашқадарё вилояти вакилларига берилди. Ғолиблар Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирлиги, халқ ижоди ва маданий-маърифий марказининг фахрий ёрлиғи ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар. Улар кўрик-танлов якунида ҳамшаҳарларимизга катта концерт бердилар.

Кўрик-танловнинг аҳамияти тўғрисида ҳайъат аъзоси, Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг ходими Холида Қодирова қуйидагиларни гапириб берди:

— Республикамиз мустақилликка эришгандан кейин маънавиятимизни тиклашга эътибор жуда кучайиб кетди. Айниқса, Президентимиз томонидан «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис қилиниши халқимиз олдига катта вазифаларни қўйди. Шундай пайтда бу кўрик-танловни ўтказишнинг аҳамияти катта. Кўтарилиб бораётган меҳр-оқибатни тиклашда алла бизга ҳамиша керак. Фарзандларимизнинг баркамол вояга етишида алла она сути билан бир қаторда турмоғи керак, деб ўйлайман.

Дарҳақиқат, авлодимизнинг эртанги кун давомчилари бўлган болаларни миллий анъаналаримиз руҳида тарбиялашда алла мангу қўшиқ бўлиб янграйверади.

Назира СОДИҚОВА.

СУРАТДА: кўрик-танлов иштирокчиси, Қаҳрамон она Салтанат Сиддиқова алла ижро этмоқда.

* Удумларимиз
САҲАР ФАЙЗИ БИР ОЛАМ

ЎЛКАМИЗГА ҳароратли ёз фасли кириб келмоқда. Кунлар узайиб, тунлар қисқара бошлади. Қарияларимиз таъбири билан айтганда «йилдек кун»лар яъни серунум, баракали дамлар бошланяпти. Кўплаб юртдошларимиз мўлжаллаб қўйган қатта юмушларини айни шу ёз чоғларида амалга оширишни ният қилиб қўядилар. Дарҳақиқат «Ёзнинг бир кунию, қишнинг юз куни» деган нақл бекорга айтилмаган. Фасллар султони ёз ойларида озмунча одамлар табиат инъомидан фойдаланиб, сиҳатсаломатликларини тиклаб оладиларми?

Ҳазрат Навоий тонг нашидасини таърифлаб шундай байт битган эдилар:

Субҳ уйқусидин улки
айлар тарк,
Ризқу рўзин ўзига
тўш кўргай.
Улки ғафлатдин этти
навми сабуҳ,
Бу шарафни магарки
туш кўргай.

Эрта тонгда уйғониш, мўсаффо ҳаво бағрида нафас олиш, ишлаш, ижод қилиш кўпчилик ҳамюртларимиз, ижодкор қалам аҳлларининг одати эканлиги, миришкор деҳқонларимиз эса деярли даладаги ярим юмушларини кун чиқмасданоқ бажариб бўлишларида ҳикмат, барака кўп. Ота-буволаримиздан шундай пандлар борки, унда қуёш чиқмасдан олдин, ўриндан туриб, меҳнат қилишга ўрганган кишиларнинг ризк-рўзи доимо бутун, қулфи дили доим очилиб, тетик бўлади ва аксинча қуёш чиққанда ҳам ухлаб, ғафлатда ётганларнинг ризқ-рўзи кесилади. Бу борада Кайковуснинг «Қобуснома»сида «Эрта туришни одат қил... Ҳар киши ким қуёш чиққунча уйқуда бўлса, ризқи кам бўлур...» деган ажойиб насиҳати бор.

Қадимдан, бизнинг халқимиз учун эрталаб қуёш чиқмасдан ўриндан туриш одат тусига кирган, кейин меҳнат фаолиятларини бошлашган.

Эсимда, бувимиз раҳматлик тонг саҳарлаб туриб, аввало эски ҳовлимиздаги эшик тамбаларини олиб, эшикни кия қилиб очиб қўяр эдилар, сўнг бувамизни ишга қузатиб, ҳовлида майда-чўйда ишларни қилиб юриш одатлари бор эди. У киши гоҳ жамбуллар тагини теша чопиқ қилиб ўяр, гоҳ экинларни суғорар, ора-чорада бақиллаб қайнаб турган самовардан хабар олиб қўяр эдилар. Кўпинча ёшларга, келинларга «Эрталабки уйқу ризқни қирқади, болам, эрта туришга одатланинглар», дейишни канда қилмас эдилар.

Ўзбекистонимиз тонги шундай ажабтовурки, гўёки миллий одатларимиз ҳам юртимиз табиатига монанд бўлиб кетгандай. Қайси юртда ёш келинчак ёки қизалоқларнинг одоб меъёрлари айни тонг чоғидаги ораста, саранжомликлари билан қиёсланади. Бизда тонгда ёши улуғ кишилардан бохабар бўлиш, бир-бирларига муқаддас калом «Ассалому алайкум» дейиш фарзи одат қилинган. Ҳовли, кўча, остонанинг саҳарлаб тозалаб, ораста қилиб янги кунни тозалик билан кутиб олиш миллатимиз удумидир.

Минг шукрки, маҳаллаларимизда ушбу эзгу қадриятларимиз сақланиб келмоқда. Буюк Ҳожа Аҳмад Яссавийнинг ушбу мисраларига бир эътибор беринг-а:

Бедор бўлгин эй мўъмин,
Саҳар вақти ичинда.
Қутқар ўзингни ўтдан,
Саҳар вақти ичинда.

Ушбу сатрларда аллома зуҳдданоқ покланишни назарда тутган бўлсалар ажаб эмас.

Дарҳақиқат, эрта тонг таровати ўзгача. Унинг файзи бир олам. Айниқса, ёз тонгида бир дунё иш қилиб юборса бўлади. Тиббиётда айтилишича, одам танасидаги биологик маромни бошқаришда табиат жуда камолга етган. Ҳар куни одам уйқудан уйғониши вақтига келиб, худди меҳнат қилиш эҳтиёжи энди ортишидан дарак бергандек, қонда юрак қисқаришлари сони ортгани шундоқ сезилиб туради, бошқа ҳаётий ҳиссиётлар ҳам «жадаллашган»дай сезилади. Бу нарса шу қадар аниққки, буларни илмда «биологик соат» деб аташади. Ривожланган иқтисодий мамлакатларда, айниқса, Европа давлатларида кишининг айни иш берадиган «қобилиятли» вақтлари ишлаб чиқариш, таълим жараёнларидаги асосий омил ҳисобланади. Улар шундай вақтларни иложи борича қадрлашади, у бевосита иқтисодий неъматга айланади. Шу ўринда бир мисол келтирай.

Янги қурилаётган иморатга ўн минг дона хом ғишт қуйиш керак бўлиб қолди. Офтоб тиғи баланд, 38-40 даража чамаси жазирама. Биз ака-ука кечқурун лойни тайёрлаб, эрталаб нонуштадан сўнг ишни бошлаб, пешинга қадар мингга яқин ғиштни қуйиб бўлар эдик. Қўшни ҳовлида эса ота-бола худди биз каби хом ғишт қуйишарди. Бироқ биз ишни бошлаганимизда улар аллақачон 1,5—2 минг ғиштни қуйиб, дам олишаётган бўлишарди. Кейин билсак улар эрта саҳар тўртлар чамаси иш бошлаб, тўққизга довур ҳамма юмушни қилиб, кейин кун бўйи дам олишар, кечга томон эртанги ғишт учун лойни тайёрлашар экан. Шу тариқа ота-бола бир неча минг ғишт қуйдилар, лекин чеҳраларидан чарчаш аломатлари сезилмас эди. Биз ҳам шу тартибга мослашиб, анча унумдорликка эришдик, ўзимизни енгил сездик.

Кексаларнинг айтишича, фаришталар эрта тонгда бандаларга ризқ-рўз улашар экан. Кимки ҳалол меҳнатни эрта тонгдан бошлаб юборган бўлса унга катта баракатлар ато қилинган.

Чуқурроқ ўйласак, азонлаб туриш, покланиш, яхши ният, ила оила боқиш, меҳнат қилиш ҳам қадриятларимиздир. Бундай қадрият шубҳасиз халқимиз соғлиғи, юртимиз бойлиги учун хизмат қилади.

Мустақилликка эришган мамлакатимиз ривожланиш босқичига қадам қўймоқда. У келажаги буюк давлат бўлади, албатта. Бунинг учун эса энг аввало маънавиятимиз, қадр-қимматимиз, қут-барака бахш этувчи эзгу одатларимизни кенг йўлга қўйишимиз зарур!

Бахтиёр КАРИМОВ,
олий тоифали муаллим.

* Ёзги таътил қувончи
ОРОМГОҲЛАР МАВСУМГА ШАЙ

⊙ Ўқув йили ниҳоясига етиб, таътил кунлари ҳам бошланай деб қолди. Болалар бу дамларни орзиқиб кутишмоқда. Тоғлар бағридаги сўлим оромгоҳларда дам олиш, қуёш, ер, сув, ҳаво қўйнида мириқиб ҳордиқ чиқаришга нима етсин. Шу ўринда савол туғилади: ҳўш, бу йилги таътил қандай ўтади! Дам олиш оромгоҳлари мавсумга тайёрми!

— Яқинда катта йиғилиш бўлиб, худди шу масалани муҳокама қилдик, — деди Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгаши ташкилий бўлимининг мудири Муҳаббат Мирқосимова. — Унда шаҳримиздаги барча корхона ва ташкилот раҳбарлари қатнашиб, болаларнинг ёзги дам олишларини кўнгилдагидай ташкил қилишга қандай тайёргарлик кўришгани ҳақида ҳисоб бердилар.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароити бўлишига қарамай шаҳардаги йирик ишлаб чиқариш, касаба уюшмаси ташкилотлари ўзларининг ҳуқуқий ва моддий имкониятларидан келиб чиқиб, болаларнинг ёзги таътилларини кўнгилдагидай ўтишини таъминлашга ҳаракат қилмоқдалар. Бу йилги мавсумда шаҳар касаба уюшмаси тасарруфида 39 та, шундан 15 таси тоғ бағридаги оромгоҳлар, 24 та санаторий-даволаниш, 110 та кундузги, 6 та спорт-соғломлаштириш оромгоҳлари, қарийб 70 минг ўғил-қизни ўз бағрига олади. Болаларнинг мароқли дам олишларини тўғри ташкил қилиш мақсадида бир қанча тадбирлар амалга оширилади. Оромгоҳ ходимларининг намунали ишлари учун моддий томондан рағбатлантириб, ойлик маошлари 30 фоизга кўпайтирилди. Шу йилнинг март ойида соғломлаштириш оромгоҳларини тайёрлаш ойлиги ўтказилиб, яхши масканга 50 минг сўм пул мукофоти таъсис қилинди. Тайёргарликнинг боришини назорат қилувчи ҳайъат тузилди.

— Йўлланма учун харажатлар қимматга тушмаяптими? — сўраймиз Муҳаббат опадан.

— Биз имкон қадар арзон баҳода бўлишига ҳаракат қилдик.

— Оромгоҳларда фақат шаҳримиз болалари ҳордиқ чиқаришадими?

— Асосан шаҳримиз болалари учун. Лекин бу мавсумда биз ўтган йилдагидек дам олиш оромгоҳларида экологияси танг аҳволдаги ҳудуд, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилоятидан икки мингдан ортиқ болани қабул қиламиз. Шунингдек, болалар уйларидан ҳам дам олишга келишади.

— Оромгоҳлар мавсумга шаймми?

— Деярли тайёр. Айни пайтда тиклаш-таъмирлаш ишлари ниҳоясига етмоқда. Шунингдек, зарур жиҳозлар, техник асбоблар-ускуналар билан таъминланяпти. Спорт мусобақалари, маданий тадбирлар ўтказишга асқотадиган анжомлар ҳам олинмоқда.

Суҳбатимизга «Алгоритм» ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба уюшмаси комитетининг раиси Йўлчибой Раҳимжонов қўшилди.

— Бизнинг «Эльбрус» болалар оромгоҳимиз Бўстонлиқ туманининг энг сўлим гўшасида ташкил қилинган бўлиб, бир мавсумда 1620 нафар бола дам олади. Санаторий-даволаниш услубидаги бу маскан қишки ва баҳорги таътилларда ҳам болаларга хизмат қилди. Ёзга алоҳида тайёргарлик кўрилиб, барча қулайликлар яратилди. Оромгоҳ турли спорт секциялари, бадиий тўгараклар, соғломлаштириш хоналари билан таъминланган.

— Оромгоҳлар шай экан, ота-оналаримиздан бир нарсани илтимос қилардим, — деди Муҳаббат опа суҳбатни давом эттириб. — Улар оромгоҳга ўз фарзандларини жўнатишда асло тортинмасалар касаба уюшмалари комитетлари қўлдан келган ёрдамларини аямайдилар. Энг муҳими, болалар ёз фаслини кўнгилдагидек ўтказишса биз ўзимизни бахтиёр ҳис этамиз.

Назира ҚУРБОН қизи.

⊙ **Содиқ ака Алимов Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институтида ишлайдилар. Фалсафа фанлари номзоди, доцент. «Одоб ҳақида», «Эркинлик ва ахлоқий масъулият» рисолалари, шунингдек этика ва эстетика, ахлоқ-одоб масалаларига бағишланган туркум мақолаларнинг муаллифи. У киши ижодининг бош ғояси инсонни безайдиган, унинг шаънини юқори кўтарадиган сабр-тоқат, адолат, камтарлик, ҳамият каби инсоний фазилатларни улуғлашдир. Биз олим билан суҳбатда бўлдик.**

— Содиқ ака, «Ўзбек фольклорида эстетик идеалнинг мужассамлашиши» мавзуида номзодлик диссертацияси ёқлаган экансиз. Эстетик идеал деганда қандай маънони англашимиз мумкин!

— Диссертациямнинг асосий мазмуни комил инсон ва унга муносиб жамият ҳақидаги тасаввурларни намоён этишдан иборат эди. Кўзлаган мақсадимга эришиш учун достонлар, эртаклар, маталлар, мақоллар ва бошқа халқ оғзаки ижодидан комил, яъни мукаммал инсонга хос бўлган фазилатларни ўрганиб чиқдим. Натижада шу нарса аён бўлдики, Ўзбек адабиёти институти хазинасида халқимиздан ёзиб олинган, лекин ҳали эълон қилинмаган асарлар талайгина экан. Тўғри улар бир сидра чоп этилди. Аммо кейинчалик эътиборсиз қолиб кетди. Ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган «Алпомиш» достони, «Гўрўғли» туркумидаги достонлар ҳамда халқ оғзаки ижодининг бошқа намуналари билан яқиндан танишиб чиқсангиз олам-олам маъно оласиз, одобахлоқ, қадриятларимиз нақадар улуғланганлигининг гувоҳи бўласиз.

— Достонларни кўпроқ ёшларимиз ўқишлари керак экан-да.

— Жуда тўғри айтдингиз. Аввало уларни тарғиб этишни кенг йўлга қўйиш зарур. Дарсликларга кўпроқ киритиш лозим, деб ўйлайман. Бунинг боиси, шунча йилдан бери эътиқод қўйганларимиз сароб бўлиб чиқди. Ёшларимиз нимага тақлид қилишни билишмайди. Ўзбек халқ ижоди, айниқса достонларда эса ҳақиқий инсон фарзанди қандай бўлиши керак, деган тасаввур асрлар давомида халқ наздида қадрланиб, эъзоз топиб келмоқда. Алпомиш, Гўрўғли, Кунтуғмиш, Барчин каби қаҳрамонлар ҳаётида, элпарварлик, жасурлик, ватанпарварлик каби буюк хислатлар

* Боболаримиз мероси
Комил инсон фазилатлари

асосий ўринни тутади. Бундай фазилатлар мумтоз адабиётимизга ҳам ўтган, Шарқда кенг ёйилган. Яна бир муҳим томони, халқ оғзаки ижодида турли ахлоқий иллат ва қусурлардан бутун вужуд билан ҳазар қилиш ғояси илгари сурилади.

— Маданий меросимизни чуқур ўрганаётган олим сифатида бола тарбияси борасидаги ўз мулоҳазаларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Шарқ мумтоз адабиёти, халқ оғзаки ижодида айниқса одоб-ахлоқ масалалари кенг қўламда ёритилади. Шу боис мен кўпроқ Навоий, Фузулий, Яссавий ва бошқа алломаларимизнинг асарларига мурожаат қиламан. Ўқиб-ўрганганларим ҳамда қаётий кузатишларимдан шундай хулосага келдимки, бола хонадонда катталарга тақлид қилиб ўсади. Шунинг учун оиладаги тарбия, шарт-шароит фарзандининг ёшига қараб бўлмоғи зарур. Менинг назаримда уч хил: иззатталаб, эркин ва эҳтиёж тарбиялари мавжуд. Биринчи ҳолатда ота-она ўта қаттиққўл, фарзандига айтганини қилдирадиган бўлишади. Бунда бола бирор юмушни қўрққанидан қилади, иккиюзламачи бўлиб ўсади. Иккинчи ҳолатда катталар биз кўрган қийинчиликларни фарзандимиз кўрмасин, деб унинг раъйини қайтаришмайди. Оқибатда бола худбин бўлиб вояга етади. Ниҳоят сўнгги ҳолатда турли хил ўсуллар қўлланиб, болада яхши одам бўлиб етишишга интилиш ҳосил қилдирилади. Бунинг учун фарзанд ўн ёшгача инсон ҳақида фақат яхши гапларни эшитиши зарур. Кўрниб турибдики, турмушимизда эҳтиёж тарбиясининг тутган ўрни каттадир.

— Оилада катталарнинг ўз фарзандларига сизлаб мурожаат қилишларига қандай қарайсиз!

— Жуда яхши одат бу. Фарғона водийсида 7 ёшдан 70 ёшгача одамлар бир-бирларини сизлаб гаплашишади. Баъзилар шундай қилинганда ўғил ёки қиз ота-онасини ҳурмат қилмай қўяди, катталарни менсимасликка ўрганади, деган фикрни айтишади. Қадимдан эъзозланиб келаётган бундай одатни йўққа чиқаришга уриниш нотўғри, албатта. Аксинча, сизланганда болани ҳам, у билан муомала қилаётган одамнинг қадр-қиммати ҳам юксак даражага кўтарилади. Ҳурмат билан қилинган муомала ёшликдан инсон қадрини эъзозлашга ўргатиб боришини унутмаслигимиз зарур.

— Маънавиятимизни юксалтиришнинг асосий омили нимада, деб биласиз!

— Бу масала бозор иқтисодиётининг ҳозирги қийин дамларида жуда долзарб бўлиб турибди. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, одамларда маънавиятни тикламай туриб республикамиз олдида турган муаммоларни ҳал этиб бўлмайди. Менимча, маънавиятни юксалтиришни ҳар бир киши аввало ўзидан бошламоғи зарур. «Менинг хупқ-атворим, фаолиятим, ўзимни тутишим ўзбек миллатига муносибми?» дея ўзига ўзи савол берсин. Модомики, ҳар бир оилада комил инсонлар вояга етсаларгина маънавият юксаладди, қийинчиликлар ўз-ўзидан бартараф этилаверади. Жамиятимиз тараққиётида бу жуда муҳимдир.

Суҳбатдош Саъдулла ШОДИЕВ.

МЕҲРИБОНЛИК

БУ тонгда қуёш уфқдан ўзгача кайфиятда бош кўтарди. Тонг эпкинида шабада ҳам маъсумликни ўзида мужассам айлаб, майин ва ёқимли эса бошлади. Мунаввар оламни ўз сайроғлари билан қарши олаётган қушларнинг навоси ўзгача!

...Қаранг, болалар уйининг қанчадан-қанча адаш исмли Алишерлари-ю Нодиралари, Бобиру Нозималари меҳрибон волидаларини кута-кута уйқуга кетишди. Қўғирчоғини бағрига босганча ширин тушлар кўраётган Нодирани бир зум кўз олдингизга келтиринг-а. Ўз онасидан ололмаган меҳрни жажжигина қизалоқ боя қўғирчоғига ҳадя этди. Анави эндигина уч ёшга тўлган Улуғбекнинг мунгли кўзларидан катталардек ташвишни илғаб олиш қийин эмас. У тиқ этса, «Отам бу ёққа ҳам ичиб келмадимикан? дея ташвиш аралаш атрофга олазарак боқади.

Айтингчи азизлар, бу беғубор болалар не ёмонлик қилдиларки, тақдир улар устидан бу қадар шафқатсиз ҳукм чиқарди қўйди? Соғинч тўла кўзлари билан боқаётган ширин-шакар ука-сингилларимнинг айблари тирноққа зор онланинг эмас, балки енгилтаклик кўчасида адашган, ҳотини ва ўз пушти камаридан бўлган фарзандини тан олмаган диёнатсиз отанинг, ёки ўз зурриётидан кечган беҳаё онанинг фарзанди бўлиб дунёга келганликларими?

Пойтахтимизнинг «Марказ-5» даҳасига борсангиз кўзингиз дид билан қурилган кўркам бинога тушади. Даставвал бу уч қаватли муҳташам кошонани болалар боғчаси деб ўйлашингиз табиий. Менинг хаёлимдан ҳам шундай фикр ўтди. Кейин билсам, 21-болалар уйи экан. Бири-биридан ширин болажонлар яйраб ўсишяпти. Ичкарига киришингиз билан йўлда учраган ҳар бир тарбияланувчи олдингиздан саломсиз ўтмайди. Шу пайт ёнимизга истараликкина аёл келди. У ўзини Роза Калбанова дея таништирди. Шу болалар уйининг мудираси экан.

— Ҳеч кимни ота-онадан тирик етим қилмасин экан, — деди у биз билан суҳбатда ва хўрсинибгина қўшиб қўйди. — Биз ҳар қанча қилсак ҳам барибир ўз ота-онасидек бўла олмаймиз. Қаранг, уларга яратиб берилган шарт-шароитларни. Нимага муҳтож бўлиб қолсак, кимнинг ёрдами керак бўлса, «йўқ» демай ёрдам беришяпти. Айни кунларда болаларимизга оила, турмуш ҳақида маълумотлар бериб бораяпмиз. Масалан, қизларимизга рўзғор тебратиш, дастурхон безашу чой қуйиш, тикиш-бичишдан бола боқишгача тўла тушунча берсак, ўғил болаларга рўзғор тебратиш, бозор қилиш, турли хил ҳунарлар ўргатаяпмиз.

Мустақил республикамизда етим болаларга ана шундай меҳр-мурувват кўрсатилаётганидан қалбимиз шодликларга тўлади.

Дилдора ОРИПОВА.

Тошкент чинни заводи болалар боғчасида тарбияланаётган кичкинтойларнинг ҳар томонлама етук, баркамол бўлиб вояга етишлари учун бор имкониятлар ишга солинянти. Мазкур масканда кўп йиллардан бери меҳнат қилаётган мураббия Фотима Дўстмуҳамедова бошқа касбдошлари қаторн болажонлардан ўз меҳрини аямаётир.

СУРАТДА: тарбиячи Ф. Дўстмуҳамедова кичкинтойни ўй-рўзғор жиҳозлари билан таништирмоқда.

Равиль Альбеков сурати.

Файзли учрашув

ЁЗГИ таътилга чиқиш арафасида Мирзо Улуғбек туманидаги 275-ўрта мактабда республика ёш томошабинлар театри актёрлари билан учрашув ўтказилди. Актёрлар мактаб ўқувчилари ҳаётига таллуқли кўринишлар, кичик-кичик ҳандалар, ичакузди интермедиялар намойиш этдилар.

Учрашувда Ўзбекистон давлат телерадиокомпанияси хонандаси, «Кўҳнур» дастаси раҳбари Хурсанд Шеров ўзининг дилрабо қўшиқлари билан даврага файз киритди.

Шаҳло ШОИСЛОМОВА.

** Жаҳон спорти юлдузлари*

Андрей ПЯТНИЦКИЙ:

«ЎЗБЕК ХАЛҚИДАН МИННАТДОРМАН»

Бир йилдан ошдики, у «Спартак»нинг Москва яқинда жойлашган машғулот базасида истиқомат қилади, шаҳардаги хонадонига эса кўчиб ўтишга унчалар ошиқмаяпти ҳам. «Спартак» жамоасининг ярим ҳимоячиси Андрей Пятницкийнинг ўзи эса бунга қуйидагича изоҳлайди:

— Мен Москвага ҳар қандай шароитга кўникиб кетаверадиган ўспирин эмас, дунёқараши маълум бир даражада шаклланган, яхши-ёмон одатларига эга шахс сифатида етилганимдан сўнггина келганман... Москва эса ҳаддан ташқари катта шаҳар, жамоат транспортини қўятуринг, ҳатто шахсий машинангда бирор жойга меҳмонга бориш учун йўлнинг ўзига бир соатдан ортиқроқ вақт сарфлашинг лозим. Кўчалардаги шовқин-сурон ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

— Одамларн-чи? Улар орасида ҳам фарқ борми?

— Умуман олганда — ҳа. Тошкентда яшаш осонроқ. Одамлари содда, самимий инсонлар. Гоҳида мен кимгадир юрагимни очиш, ўзимни қийнаётган дардларимни тўкиб солиш, қимматли маслаҳатлар олишга эҳтиёж сезаман. Табиатим шунақа. Тошкентда ҳатто кўчадан ўтиб кетаётган йўловчига ҳам сени тушунмай қолишидан қўрқмай ҳасрат дафтарингни очишинг, у билан дилдан суҳбат қуришинг мумкин. Бу ерда эса «ўзинг учун ўл етим».

— Лекин сен илгари ҳам Москвада, аниқроғи, Марказий Армия спорт клуби (МАСК) таркибида тўп сургансанку?

— Ўсмирлик чоғларимданоқ турли терма жамоаларда, айтиш мумкинки, муваффақиятли тўп сурганман. Бундай ҳолатларда ҳарбий хизмат ёшидаги ҳеч бир йигит МАСК раҳбарлари назаридан (демак домидан) қочиб қутулолмаган. Менда ҳам шундай бўлган. 1986 йили Ленинградда ўтказилган Гранаткин хотира турнирида энг сермаҳсул тўпурар сифатида тан олиндим. МАСК бошлиғи Плахетко мени шу ернинг ўзиданоқ тўғридан тўғри Москвага олиб кетди.

— Қаршилик кўрсатмадингми?

— Йўқ. Ўлимдан бошқа ҳамма нарсанинг эртароқ бўлгани яхши, деган нақлга амал қилиб йигитлик бурчимни фурсатдан фойдаланиб ўтаб олишга қарор қилдим. Армия хизматидан қочиб қаерга ҳам борардинг. Лекин олдимга аниқ бир мақсад қўйиб олдим: икки йиллик хизматимни буйруқдан бўйруққача ўтайману уйга, Тошкентга «учаман».

— Бунақанги кайфият билан МАСКнинг ўша даврлардаги асосий таркибида узоқ ўйнаш осон бўлмагандир?

— Секинроқ айтасизми, дастлабки йили жамоамиз олий лигага йўлланма олди, бутун мавсум давомида асосий таркибда ўйнадим. Келгуси йилдан эса елкамга лейтенантлик погонини тақиб қўйиш, шу билан мени жамоага «боғлаб» олиш ҳаракатига тушиб қолишди. Улар мақсадларига етиш ниятида кўп усулларни қўллабқўришди: дўқ ҳам қилишди, ҳарбий қисмга юборамиз (у ерда бир ҳафта бўлдим ҳам) деб ҳам айтишди, ҳеч қачон асосий таркибда майдон юзини кўрмайсан ҳам дейишди. Шунда менинг ҳам қайсарлигим тутди. Табиатан шунақаман, бирор нарсага қарор қилдимми, тамом, бу йўлдан мени ҳеч ким, ҳеч нарса қайтаролмайди. Барибир рози бўлмадим. Чунки икки йил давомида армиядаги муҳит хиқилдоғимга келганди. Масалан, муҳим учрашув олдидан юқори лавозимдаги раҳбарлардан бирортасининг погонидаги синиқ чизиқларини намойиш этиб ечиниб-кийиниш хонасига бостириб кириб келиши ва бизни ўзича ўйинга «ўз услуби» билан тайёрлаши ҳеч гап эмас эди...

Шунақанги воқеалардан сўнг уйни қўмсайсанда.

— Сенинг ўрнингда бўлганимда «жуда мароқли» ўтган икки йиллик сафардан сўнг Москвани энди елкамнинг чуқури кўрсин деб қўя қолардим.

— Шундай қилдим ҳам. Киев ва Москва динамочилари, «Спартак»дан тушган таклифларнинг ҳаммасига остоналанок рад жавобини бердиму, уйга жўнадим. Ўша пайтда ҳеч қандай куч мени ушлаб қолишга қодир эмас эди.

Етиб келганимдан сўнг ўзимча ўйладим: уч йил Тошкентда ўйнайман, агар шу муддат давомида олий лигага чиқолмасак, яъни 23 ёшимда бошқа жойга, катта футбол жамоаларидан бирига кетаман. Қарангки, учинчи йили «Пахтакор» олий лигага йўлланма олди.

— Андрей, Ўзбекистонда юрган чоғларингда маҳаллий миллатга мансуб бўлмаганинг боис кўнгилсизликлар, камситишларга дуч келмаганмисан?

— Ҳеч қачон. Агар сен яхши ўйин кўрсата олсанг, русмисан, ўзбекмисан, бошларида кўтариб юришади. Ўзбеклар жуда меҳмондўст, хушмуомала халқ. Уларнинг ўйиндан сўнг бизни совға-саломларга кўмиб ташлаганлари кўча-кўйда танимасаларда салом бериб ўтишларини эсласам юрагим ҳали-ҳалигача қувончдан хапқириб кетаверади. Буларнинг барчаси эндиликда эртакдай туюлади.

— У ҳолда нима учун яна Москвага кетишга қарор қилдинг?

— Футболга мен тинчгина тўп суриш, сокин ҳаёт кечириш учун келмаганман. Ўзбекистон чемпионати савияси мени қониқтирмади. Мавсум арафасида ўтказилган икки учрашувда «Пахтакор» 10:1 ва 8:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Қисқаси, зерикиб қола бошладим.

— Сени 91-йил футбол мавсуми арафасида «Пахтакор»да иш бошлаган Тарханов «йўлдан урдими?»

— Тархановдан ташқари менинг «Спартак»ка ўтишимда дўстим Игорь Ледяховнинг ҳам ҳиссаси бор. Биз у билан МДҲ терма жамоасига таклиф этилган чоғимизда дўстлашиб қолғандик. АҚШ, Исроил, Испания сафарлари давомида бир хонада яшадик. Насиб қилса бир жамоада ўйнашга келишиб олдик. Тошкентга қайтганимдан сўнг Москвадан қўнғироқ қилиб «Спартак»да ўзимни синаб кўришни таклиф этишди. Гапнинг орасида дўстинг Игорь Ледяхов ҳам бир ҳафтадан буён «Спартак»да ўйнаяпти», деб қистириб ўтишди. Очиғи кўп ўйладим, иккиландим ва ниҳоят қанчалар оғир бўлмасин Москвага кетишга аҳд қилдим. Футболда бирор натижага эришиш ниятим бўлса, шундай қилишим лозимлигини, шартлигини англаб етдим.

Лекин барибир ҳалигача Москвага кўникиб кетолмаяпман.

— Ўтган йилги мавсум якунида оилангнинг Тошкентда қолгани ҳам янги муҳитга кўникиб кетишингга ҳалал бераётганини айтгандинг.

— Чунки шу пайтгача хотиним ҳам, қизим ҳам доимо ёнимда бўлишарди-да. Яна ҳам «Спартак» мураббийси Олег Романцевга раҳмат, бу жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келяпти. Тошкентга бориб келиш учун неча маротаба рухсат сўраган бўлсам, бирор марта рад жавоби олганим йўқ. Қолаверса, хотинимнинг ўзи ҳам энди тез-тез келиб турибди.

— Андрей, сен терма жамоада ҳам тўп сураётган жамоадошларингга ҳасад қилмайсанми?

— Очиғини айтсам, бироз ҳасад қиламан ҳам. Лекин Россия ва Ўзбекистон терма жамоаларидан қай бирида тўп суришим ҳақида аниқ қарорга келганимча йўқ. Биласизми, ҳалигача Россияни ўз Ватаним, Россия терма жамоасини ўз терма жамоам сифатида қабул қилолмаяпман. Чунки менинг Ўзбекистондан қарзим шунчалар кўп, ундан шунчалар миннатдорманки, менга кўрсатилган марҳамату ҳурмат-эътиборга қўл силтаб юборолмайман. Турли-туман узунқулоқ гапларга ишонишга ҳожат ҳам йўқ. Ўзбекистондан ҳеч ким менга қандайдир йўллар билан таъсир ўтказишга ҳаракат ҳам қилаётгани йўқ. Барчаси менинг ўзимга боғлиқ.

Лекин бошқа томондан жаҳон чемпионатида иштирок этишни жуда ҳам хоҳлардим.

— Шу йилнинг 1 июнида «Спартак» билан тузган шартноманг муддати тугади. Фақат тўғрисини айтгин, кетиш ниятинг борми?

— Бундай фикр хаёлимга ҳам келгани йўқ. Ҳозирги таркибимизда Чемпионлар лигасида ҳам ўйнаб кўриш орзуим бор. Албатта, бу масаланинг менга боғлиқ бўлмаган жиҳатлари ҳам бор. Шундай бўлсада яна бир йилга қолишим эҳтимолдан ҳоли эмас.

Гарчи «Спартак» тўлаётган ҳақ мени тўла қониқтирсада «Интер» ёки «Барс» каби жамоаларда янада кўпроқ тўлашади. Шунинг учун ҳам эртами, кечми хорижга жўнаб кетаман. Бўйдоқ бўлганимдаку: пул зотига, очиғи тупурган бўлардим. Аммо, нима қилай, оиламни боқишим керак. 30 ёшга боргунимча қора кунимга атаб бироз маблағ йиғиб қўйсам зарар қилмайди.

Футбол мен учун жуда қадрли бўлиб қолган, у билан хайрлашгач, бошқа касбнинг бошини тутиб, унинг шароитига кўникиб кетиш осон бўлмайди.

— Футболдан кетгач нима билан машғул бўлишинг ҳақида ўйлаб кўрганмисан?

— Ҳа. Мураббийлик қиламан.

— Лекин бу ўта асабий ишку?

— Тўғри. Лекин футболдан кетиб қаерга ҳам борардим. Усиз ҳаётимни тасаввур қилолмайман. Футбол билан ажралиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

«Футбольний курьер» ҳафталигидан

Шуҳрат АРМОН таржимаси.

⊙

СУРАТДА: собиқ пахтакорчи Андрей Пятницкий (ўртада) тўп учун курашда.

ТИЖОРАТ ЖАВАРДАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИ»
ТОШКЕНТ
ИП-ГАЗЛАМА
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
БИРЛАШМАСИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ҚАЙД ҚИЛИНГАН ҚИЗЛАРНИ ЮҚОРИ ОЙЛИК МАОШ ТЎЛАНАДИГАН ИШГА

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Агар ҳеч қандай ҳунарингиз бўлмаса — бизга ўқишга келинг. 3-6 ойлик қисқа муддат ичида Сиз обрўли касблардан саналмиш **ИП ИИГИРУВЧИ, ТЎҚУВЧИ, ПАРДОЗЛОВЧИ; ип ўраш, тароқлаш, айлантириш машиналарининг ОПЕРАТОРИ** касбларидан бирини эгаллашингиз мумкин.

Ўқиш даврида Сиз 4000 сўмдан 8000 сўмгача иш ҳақи оласиз, сўнг бизнинг комбинатимизда ишлайсиз. Меҳнат ҳақи — ишбай (30000 сўмгача).

Ҳар бир ходимга кунига 50 сўмдан овқат пули берилади.

Бирлашмада ишчилар учун қуйидаги энг қулай ижтимоий шароитлар яратилган: ошхоналар, сабзавот, озиқ-овқат дўконлари, буғ ҳаммоми, пардоз-андоз (парвариш) салонлари ва сартарошхоналари бўлган маиший комплекслар ана шулар жумласидандир. Мунтазам равишда танқис озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат моллари билан савдо-сотиқ қилинади. Тиббий-санитария қисми, поликлиника, сиҳатгоҳ (профилакторий), Тошкент денгизида дам олиш маскани, тоғ ён бағирларида кашшофлар оромгоҳи, «Тўқимачи» спорт мажмуи, Маданият саройи, ўзининг ёрдамчи хўжалигига эга.

Бизнинг бўлимларимиз пойтахтнинг Акмал Икромов туманида (Фарҳод кўчаси, 31-«а» уй, «Свердловск уйлари» бекати), Собир Раҳимов туманида (1/4 Қорақамиш даҳаси, Наби Ҳасанов кўчаси, 19-уй)да жойлашган.

Биз Сизларни «Тўқимачилик комбинати» Тошкент ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасининг қуйидаги манзилда жойлашган расмийлаштириш бўлимида ку[illegible]миз: ҚУШБЕГИ КУЧАСИ, 6-УЙ (33, 34, 45, 69, 79, 182-автобуслар; 2, 6, 13, 16-троллейбуслар; 7, 9, 11, 24, 28-трамвайларнинг «Тўқимачилик комбинати» бекати).

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 53-97-09, 53-18-72.

«ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИ» ТОШКЕНТ ИП-ГАЗЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АКЦИОНЕРЛИК-ТИЖОРАТ ДЕҲҚОНЧИЛИК—САНОАТ БАНКИ

«ЎЗДЕҲҚОН-САНОАТБАНКИ» марказий аппаратининг ташқи иқтисодий алоқалар ва валюта операциялари бошқармасининг **БОШЛИҒИ, БОШЛИҚ МУОВИНИ** ва **БОШ МУТАХАССИС** лавозимларига банк ишлари ва ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида тажрибага эга бўлган, инглиз тилини мукаммал биладиган мутахассисларни

ТАНЛОВ АСОСИДА ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 43-уй, 307-хона, ходимларни расмийлаштириш бўлими.
Телефон: 78-20-91.

«ОЛМОС» РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ-ЧАКАНА САВДО БИРЛАШМАСИ ҚОШИДА ОЧИЛГАН ТИКУВ ЦЕХИГА
тикувчи-моториcткалар

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Усмон Носир кўчаси, 1 тор кўча, 18-уй (7, 24, 28-трамвайларнинг «Раскова» бекати, «Тўқимачи» стадиони олдида).

«ОФТОБ» ФИРМАСИ»
(Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги аввалги Маданий-ахборот маркази)

ЎЗИНИНГ ЯНГИ МАНЗИЛИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

Тошкент шаҳри, У. Носир кўчаси, 45-уй (илгариги Ш. Руставели кўчаси), **«ЦВЕТМЕТЭЛЕКТРОПРОЕКТ» давлат ЛОИИҲА ИНСТИТУТИ** биносида, **1-қават, 5-хона.**

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг барча туманлари учун мулкчиликнинг барча турларидаги корхоналар (кичик корхоналар, масъулияти чекланган жамиятлар, хусусий фирмалар)**ни рўйхатга олиш учун зарур бўлган тўла ҳужжатлар тўпламини тайёрлаш ва маслаҳатлар беришни, муҳрларнинг хомаки чизгиларини ишлаб чиқиш ҳамда муҳрлар ва штампларни тайёрлаб беришни давом эттирамиз.**

Телефонимиз: 55-35-77.

КОРХОНА
ЧИРЧИҚ ШАҲРИДАГИ ОМБОРДАН МДҲ мамлакатларида ишлаб чиқарилган қуйидаги кенг ассортиментли ЭЛЕКТР-ХЎЖАЛИК МОЛЛАРИНИ СОТАДИ:
— **қандиллар, чироқлар, люминесцент нур таратувчи чироқлар, қиздириш чироқлари, ДРЛ, галогенли чироқлар ва ҳоказолар.**
ТЎЛАШ УСУЛИ — ТУРЛИЧА.
Телефонлар: 8-271-4-39-50; 4-19-35, 4-49-66.

«ЖАННАТ ЛТД» ФИРМАСИ

«ОЛТИН УЧБУРЧАК» ТАИЛАНД пойтахти БАНГКОККА, шунингдек арзон нархларда

ПОКИСТОН, ҲИНДИСТОНГА

САЕҲАТ ЙЎЛЛАНМАЛАРИНИ СОТАДИ

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Космонавтлар шоҳкўчаси 3-уй, 33-хона.
Телефон — 56-52-09.

ХУСУСИЙ ЭЪЛОНЛАР

Калугада ишлаб чиқарилган очиқ рангли янги «стенка» мебели; 2х3 м ўлчамли янги гилам (Бельгия) сотилади. Мулоқот телефони 50-89-28.

* * *

Италияда тайёрланган 2 хил кўринишдаги ажойиб ётоқхона гарнитури. Телефонлар: 24-43-10, 74-22-33.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институти ректорати, касаба уюшмаси ташкилоти ва терапия кафедраси жамоаси кафедра ассистенти, тиббиёт фанлари номзоди Ф. Р. Қурбоновага отаси
Рустам Қурбонович ҚУРБОНОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

** Суратга олиш арафасида*

«Қалб жароҳатлари»

КЕЙИНГИ пайтда «Киноактёр» ижодий уюшмасида кўплаб янги фильмлар яратилмоқда. Улар ўз мухлисларини топаяпти.

Ёш, истеъдодли кинорежиссёр Анвар Нурматов илк бор бадиий фильм яратишга киришганига қарамай афсонавий, тарихий мавзудаги кинолентага қўл урганлигини қувонч билан тилга олиш мумкин. Бу тарихий фильмнинг «Ўзбегим» кинотрилогияси асосида тарихий воқеаларга бой бўлган ҳолда тайёрланиши кўзда тутилмоқда.

Июнь ойининг дастлабки кунларида суратга олишни бошлаймиз. Мазкур фильмни яратишга қўл уришдан аввал бир йилдан ортиқ тиним билмай ишлашга тўғри келди, — дейди фильмнинг сценарий муаллифи ва режиссёри Анвар Нурматов.

Ушбу фильмни суратга олишда Оҳангарон туманининг ижарадаги шифер заводи жамоаси ҳомийлик қилмоқда. Туман ҳокимлиги ҳам ушбу савоб ишни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда.

«Қалб жароҳатлари» бадиий фильми Оҳангарон тоғларида суратга олинади. Унда Х асрдаги миллий либослардан фойдаланилади. Фильмда чимкентлик ўзбек йигити, каратэ бўйича 3 дан қора белбоғ соҳиби Баҳодир Расулҳожиев бош роли ижро этмоқда. Бундан ташқари ўзбекистонлик ва қардош республикалардан каскадёрлар фильмга суратга тушиш учун таклиф қилинган. Саудия Арабистони, Туркия ва Ҳиндистон киночилари билан ҳамкорликда ишлаш ҳам кўзда тутилган. Ўзбекистон халқ артисти Жавлон Ҳамроев, «Киноактёр» ижодий уюшмаси директори Фарида Хўжаева ва артистлардан Муқаддас Мамадалиева, Машраб Кимсанов, Ражаб Адашевлар ҳам унда асосий ролларни ижро этишади.



«Қалб жароҳатлари» фильмининг сценарий муаллифи ва режиссёри Анвар Нурматов Дарвиш ролида суратга тушади.

Эргаш ТЕМУРОВ.

— Кўп серияли янги бадиий фильмимизни «Қалб жароҳатлари» деб атадик.

СУРАТЛАРДА (юқорида) Баҳодир Расулҳожиев, дарвиш — А. Нурматов (чапда) ва қароқчи — Г. Татановлар суратга тушиш олдидан.

** Жиноят жазосиз қолмайди*

ЖОНЛАРИНИ ГАРОВГА ҚЎЙИБ

КЕЧКИ соат 21.00. Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг Чилонзор туманида жойлашган патруль-пост хизмати хонасидаги телефон жиринглади. Телефон қилган киши туман хонадонларининг бирида қотиллик юз бергани ҳақида хабар берди. Патруль-пост хизмати ходими, милиция катта сержанти Евгений Политаев ва бошқа тартиб посбонлари тезда йўлга тушишди. Ва жиноят содир этган фуқарони қўлга олишди.

Воқеа эса шундай юз берганди. Шу йилнинг 20 апрель куни туманда яшовчи В. ҳамда С. исмли кимсалар ишдан кейин бирининг хонадонида ўтириб ичкиликбозлик қила бошлашди. Бироздан сўнг иккаласининг ҳам кайфи анча ошиб қолди. Лекин улар бу билан чекланишмади. Яна арақ олиб келиб ичишди. Натижада оқ арақ қора ишини қилди. Ўртада арзимаган гапдан низо чиққанлиги сабабли арақка обдон тўйиб олган икковлон бир-бирига шердек ташланишди. Қаттиқ зарбалар билан шеригини эсанкиратиб қўйган В. С.нинг қорнига бир неча марта пичоқ санчди. Охир-оқибатда оғир яраланган С. кўп қон кетиш натижасида бир неча дақиқа ўтиши билан ҳаётдан кўз юмди.

Биз бу мисолни бекорга келтирмадик. Ҳозирги кунда юқоридагига ўхшаган ва бошқа жиноятлар шаҳарда, қолаверса республикада афсуски содир бўлаётир. Бироқ республикамизда жиноятчиликнинг барча турларига очилган қатъий кураш ўз самарасини бермоқда. Айниқса бунда шаҳар Ички ишлар бош бошқармасига қарашли туманлардаги патруль-пост хизмати ходимларининг ҳиссалари катта бўлмоқда.

Чилонзор туманидаги патруль-пост хизмати 1-ротаси милиция ходимларининг бу борадаги ишлари айниқса мақтовга сазовордир. Чунки рота ходимлари кейинги вақтларда анча жиноятчиларни ушлашга ҳамда кўплаб бўлажак жиноятларнинг олдини олишга муваффақ бўлишди.

Масалан, шу йилнинг 1 апрель куни взвод командири, кичик лейтенант Баҳодир Мамадалиевнинг ҳушёрлиги туфайли Х. исмли фуқаро қўлга олинди. Унинг йўл халтаси текшириб кўрилганда 450 грамм миқдорда гиёвандлик моддаси ҳамда 240 грамм кўкнори топилди. 25 апрель куни эса мазкур туманда яшовчи фуқаро Л.нинг номусига тажовуз қилинганлиги ҳақида хабар келди. Взвод командирининг ўз вақтида кўрган чора-тадбирлари натижасида ғрадан узоқ вақт ўтмасданоқ бу жиноятни содир қилган Ш. исмли киши ушланди.

— Ўзингизга маълум, Чилонзор туманида турли хил миллат вакиллари истиқомат қилади, — дейди рота командири, катта лейтенант Обиджон Рўзиев. Бундан ташқари тумандаги аҳолининг асосий қисми кўп қаватли уйларда туришади. Бу биноларда яшовчилар эса кўпинча бир-бирини танишмайди. Бироқ йигитларимиз ана шу қийинчиликларга қарамасдан кўплаб жиноятларнинг пайини қирқишга муваффақ бўлишмоқда. Бунда ходимларимиздан Расулбек Ҳофизов, Анатолий Якшинский, Абдураззоқ Ҳолмўминов, Тожимурод Болтаев, Абдурайим Муродов, Алишер Турдиев ва бошқалар ўрнак кўрсатиб ишлашмоқда. Мисол учун шу йил январь ойида 7 та, февраль ойида 12 та ва апрель ойида 13 та жиноятчилик ҳолларининг очилишида уларнинг хизмати катта бўлди.

Жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда унга қатъий кураш мақсадида тунги тадбирларни ҳам тез-тез ўтказиб турамиз. У кечқурун соат 18 дан эрталабки соат 6 гача ўтказилади. Бунинг натижасида жиноятга қўл урган кўплаб кишиларни қўлга тушираяпмиз. Гапимиз қуруқ бўлмаслиги учун бунга бир мисол келтирсам. Шу йил январь ойи бошларида 4 та электр ҳисоблагич ўғрисини қўлга олдик. Уларнинг истиқомат қилган уйлари тинтилганда кўп қаватли уйлардан ҳаммаси бўлиб 150 та шундай ҳисоблагични ўмаришгани маълум бўлди. Шу ва бошқа жиноятларни очиб ташлашгани учун туман ҳокимлиги томонидан йигитларимизнинг ҳар бири 5 минг сўмдан пул мукофоти билан тақдирланди.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг жиноятчиликнинг барча турларига қатъий кураш очиш тўғрисидаги кўрсатмасини амалга оширишда юқоридаги патруль-пост хизмати ходимларининг ҳам ҳиссаси катта бўлянти. Шу йилнинг биринчи чорагида Чилонзор туманидаги ротанинг бу борада шаҳар бўйича биринчи ўринни эгаллагани ҳам буни исботлаб турибди.

Ғулом ЮСУПОВ.

Муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.



МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

Тошкент оқшоми

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот комитетида рўйхатга олинган. Рўйхат сони — 000101.

Шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 33-29-70; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича 32-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй. Буюртма Г—120. 19899 нусхада босилди, ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Нашр кўрсаткичи 64690.

■ Босмага бериш вақти 11.30 ■ Босмага берилди 11.15. Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6